

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

«Ҳимояга рухсат этилсин»

Жаҳон сиёсати ва тарих

факультети декани

_____ **Ш.Ж.Саидов**

«_____» _____ 2012 й.

Жаҳон сиёсати ва тарих факультети кундузги бўлим IV талабаси

Исломова Лола Бахтиёровна

**“Шоҳи-Зинда мажмуаси ва унинг диний-ғоявий аҳамияти”
мавзусидаги битирув малакавий иши**

_____ талаба **Л.Б.Исломова**

Илмий раҳбар: Ёвқочев Ш.А.

Тақризчи: _____

«Ҳимояга тавсия этилсин»

Кафедра мудири

_____ **Ёвқочев Ш.А.**

«_____» _____ 2012 й.

Тошкент- 2012

Мундарижа:

Кириш.

1-БОБ.Тарихий ва диний қадамжойларнинг ўрганишнинг назарий-услубий асослари.

1.1.Ўзбекистон ҳудудида мавжуд зиёратгоҳларнинг тавсифи.

1.2. Самарқанд ислом зиёратгоҳларнинг тадқиқ этиш жиҳатлари.

2-БОБ. Шоҳи-Зинда мажмуаси ва Марказий Осиёнинг маданиятида тутган ўрни.

2.1. Ўзбекистонда тарихий ва диний обидаларга бўлган эътибор.

2.2. Шоҳи-Зинда ва унинг тарихий ва диний аҳамияти.

2.3. Шоҳи-Зинда мажмуасининг жаҳон ислом маданиятида тутган ўрни.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Зиёратгоҳлар, авлод-аждодларимиз тарихи, уларни ўрганиш, эъзозлашга, миллий дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади. Худди шу масалалар дарс мазмунини асосий ривожлантирувчи ва тарбияловчи мақсадидир.

Эътироф этиш керакки, Ислом дини оламида ҳаж, зиёрат қилиш, улуғ алломаларни эслаш каби жихатлар анча устувор туради. Бундай мўътабар тадбирларни ўтказишда юртимиз фозиллари, уламолари ва турли соҳадаги кишилар фаол иштирок этмоқда. Самарқанддаги тарихий ёдгорликлар, айниқса Амир Темур макбараси, Шоҳизинда, Бибихоним, Регистон, Хўжа аҳрор, Имом ал Бухорий каби улуғ зотларнинг зиёратгоҳлари, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарлардаги тарихий-маданий ёдгорликлар фақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё халқларинигина эмас, ҳатто Араб мамлакатлари, АҚШ, Япония, Германия, Франция, Англия ва жаҳондаги жуда кўп давлатларнинг одамлари диққатини жалб этмоқда.

Ватанимиз тарихини ўрганиш 5 синфда «Ватан тарихидан ҳикоялар» ўқув дарслиги орқали ўрганишга киришилади. Бу дарслик орқали янги нарсаларни билиб олиш, нотаниш воқеаларни идрок этилади. Бунинг эса минг-минглаб йўллари мавжуддир: мутолаа қилиш, илмий-оммабоп телекўрсатувчиларни томоша қилиш, тажриба-синовлар ўтказиш, янгидан-янги одамлар билан танишиш, тарихий жойларга сайёҳат қилиш, у ёки бу масалани муҳокама этиш ва ҳоказолар.

Ватанимизнинг энг қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача босиб ўтилган ҳаёти йўлидаги энг қадимги жараёнлар: уруғ, қабила, этник бирликлар – халқ ва миллатнинг келиб чиқиши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий этно маданий ҳаётини, урф-одат, турмуш тарзини қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг ўзаро алоқалари, ривожланишини шунингдек, тарихий обидалар; жой номлари ва уларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ ўлка топонимикаси, машҳур тарихий сиймолар, халқ қаҳрамонлари ҳамда муқаддас қадамжолар билан боғлиқ манбалар ўрганилади.

Тарихий зиёратгоҳлардан бири Шоҳи-Зиндадир. Уни ҳар томонлама сиру саноатларини ўрганиш бугунги кунда долзарб муаммодир.

Мавзунинг ўрганилиши даражаси. Ушбу битирув-малакавий ишини ёзишда қуйидаги асарларлардан кенг фойдаланилди: Зангиота тумани мустақиллик йилларида. – Т.: Ўзбекистон, 2000, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-том. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”. 4-том. 2001, Хотамов А., Бекниёзов Н. Кармана – қадимий диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007, Абу Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи. 1993, Садриддин Салим Бухорий. Самад Азимов. Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний. – Бухоро. 2004, Абу Ҳафс Насафий. «Қандия. Ёхуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд». – Т.: Минҳож, 2005, Тошлонов Т. Ислом кеча ва бугун. – Т.: Ўзбекистон, 1989, Мўминов А., Йўлдошев Х. Диншунослик. – Т.: “Меҳнат”, 2004, Шоҳи-Зинда. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти. 2007 ва бошқалар.

Битирув-малакавий ишининг мақсади Шоҳи-Зинда мажмуаси ва унинг диний-ғоявий аҳамиятини ўрганишдан иборат.

Битирув-малакавий ишининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Тарихий ва диний қадамжойларнинг ўрганишнинг назарий-услубий асосларини ёритиш;
- Ўзбекистон ҳудудида мавжуд зиёратгоҳларнинг тавсифи билан танишиш;
- Самарқанд ислом зиёратгоҳларнинг тадқиқ этиш жиҳатларини ўрганиш;
- Шоҳи-Зинда мажмуаси ва Марказий Осиёнинг маданиятида тутган ўрнини аниқлаш;
- Ўзбекистонда тарихий ва диний обидаларга бўлган эътиборни ёритиш;
- Шоҳи-Зинда ва унинг тарихий ва диний аҳамиятини ўрганиш;

- Шоҳи-Зинда мажмуасининг жаҳон ислом маданиятида тутган ўрнини ёритишдан иборат.

Битирув-малакавий ишининг илмий янгилиги. Ушбу битирув-малакавий иши илк бора тадқиқ этилмоқда. Бугунги кунда Шоҳи-Зинда мажмуаси ва Марказий Осиёда маданиятида тутган ўрни ҳар томонлама ёритилди.

Битирув-малакавий ишининг объекти. Шоҳи-Зинда мажмуаси ва унинг бугунги кундаги диний-ғоявий аҳамиятини илмий адабиётлар орқали ёритишдан иборат.

Битирув-малакавий ишининг предмети. Шоҳи-Зинда мажмуаси ва унинг тарихини талаба-ёшларимиз онгига сингдиришдан иборат.

Битирув-малакавий ишининг тузилиш. Битирув-малакавий иши кириш, иккита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Киришда мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, объекти ва предмети ҳамда тузилиши, шунингдек илмий аҳамияти ёритиб берилди.

Биринчи боб – “Тарихий ва диний қадамжойларнинг ўрганишнинг назарий-услубий асослари” мавзусида бўлиб, ушбу бобда Ўзбекистон ҳудудида мавжуд зиёратгоҳларнинг тавсифи ҳамда Самарқанд ислом зиёратгоҳларнинг тадқиқ этиш жиҳатлари ёритиб берилди.

Иккинчи боб – “Шоҳи-Зинда мажмуаси ва Марказий Осиёнинг маданиятида тутган ўрни” мавзусида бўлиб, ушбу бобда Ўзбекистонда тарихий ва диний обидаларга бўлган эътибор, Шоҳи-Зинда ва унинг тарихий ва диний аҳамияти ҳамда Шоҳи-Зинда мажмуасининг жаҳон ислом маданиятида тутган ўрни ёритиб берилди.

Битирув-малакавий ишининг аҳамияти. Ушбу битирув-малакавий иши материалларидан тарихчилар, файласуфлар, диншунослар, миллий ғоя ва маънавият асослари билан шуғулланувчиларга тавсия этилади.

1-БОБ.ТАРИХИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДАМЖОЙЛАРНИНГ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Ўзбекистон ҳудудида мавжуд зиёратгоҳларнинг тавсифи

XX аср охирларидаги дунё миқёсида катта тарихий ўзгаришлар жаҳон сиёсий харитасини ўзгартириб юбориш билан бирга кўплаб халқларга ўзлари учун қимматли бўлган қадриятларини тиклаш ва имкониятларини яратиб берди. Ўзбекистон мустақиллигининг энг муҳим тарихий аҳамиятидан бири диний қадриятларни ҳамда биз учун муқаддас бўлган қадамжоларни тиклаш ва обод қилиш имкониятларини яратиб берилганлигидир. Ўзбекистон кўплаб зиёратгоҳлар ва қадамжоларга бой бўлган мамлакатдир. Муқаддас ватанимизнинг барча вилоятларида қутлуғ гўшалар, тарихий ва диний қадамжолар мавжуддир.

Мовароуннаҳр ва Туркистон деб аталмиш ушбу заминда яшаб келган халқлар асрлар мобайнида кўплаб зиёратгоҳларни ва қадамжоларни авайлаб асраб, уларни келгуси авлодларга мерос сифатида қолдириб келганлар.

Жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшиб келган Марказий Осиё минтақасида ислом маданиятига, тасаввуф таълимотига катта ҳисса қўшиб келган буюк алломалар яшаб ўтганлар. Улар томонидан қолдирилган катта маънавий мерос ўз даврида бўлгани сингари бугунги кунда ҳам катта тарихий аҳамиятга эгадир.

Ислом дини, диний қадриятлар, ислом диний тараққиётига катта ҳисса қўшган кўплаб азиз авлиёлар ўз фаолиятлари, ўзларининг маънавий меросларида инсон учун зарур бўлган фазилатларни улуғлаб келганлар.

Халқни халқ, миллатни миллат қиладиган маънавиятнинг ахлоқий ва маърифий камолот, ҳалоллик ва поклик, иймон ва эътиқод, меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик, эзгулик ва саҳоват, бағри кенглик ва меҳр-оқибат билан боғлиқ бўлган долзарб муҳим масала ислом дини тараққиётига ҳисса қўшган буюк тарихий шахсларнинг фаолиятларида эътибордан четда қолмаган.

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат ўтмишига, бой тарихий меросига, маънавий қадриятлар ва анъаналарга бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Мустақиллик шарофати билан мустабид тузум даврида миллатимиз, халқимизни камситишларга чек қўйилиб, тарихий ҳақиқат тикланди. Азиз авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб, деярли йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган мақбаралари, масжид ва мадрасалар тубдан таъмирланмоқда ва ободонлаштирилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш миллий маданиятимиз тарихини ўрганиш, у ҳақда ҳолисона фикр билдириш борасида катта имкониятлар яратди. Осори-атикаларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни тўлақонли ёритиш имконияти туғилди. Истиқлол шарофати ва Президентимиз ташаббуслари билан алломаларимиз, азиз авлиёларимизнинг ҳаётлари ва фаолиятларини ҳаққоний ўрганиш имкониятлари яратилди. Жумладан, 1993 йили Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, 1995 йили Нажмиддин Кубро, 1998 йили Имом ал-Бухорий, 2000 йили Бурҳонддин ал-Марғиновий, Имом Абу ал-Мотуридий каби буюк инсонларга бағишланган тантаналар ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримов бундай тадбирларнинг аҳамияти тўғрисида гапириб қуйидаги фикрларни билдирадилар. “Бу каби тантаналарни ўтказишдан ният ва мақсадларимиз, муқаддас қадамжоларни обод қилишимиз сабаблари... энг аввало бу ишларни амалга ошириш замирида савоб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб – улуғ инсоний фазилат, юксак исломий қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак”¹.

Бундай буюк тарихий шахслар асрлар мобайнида одамларни улуғ мақсадлар йўлида бирлаштиришга, ҳамжиҳат бўлишга, тинчлик тотувликни

¹ Каримов И.А. Биз келажагамизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б. 183-184.

мустаҳкамлашга, эзгулик мақсадлари йўлида фаол бўлишга, ўзаро низолар, тўқнашувларга йўл қўймасликка даъват этиб келганлар.

Ислом оламида жуда катта ҳурмат ва эътиборга эга бўлган бундан инсонлар ҳаётлик вақтларидаёқ халқнинг ҳурматини қозонган эдилар, улар вафотидан сўнг дафн этилган жойлари зиёратгоҳларга айланди.

Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган зиёратгоҳлар асрлар мобайнида халқ томонидан авайлаб асраб келинган.

Ўзбекистоннинг чор Россияси мустамлакасига айлантирилгандан сўнг, айниқса, собиқ совет тузуми даврида муқаддас қадамжоларга ва зиёратгоҳларга ноўрин муносабатда бўлинди.

Коммунистик тузумга хизмат қилувчи мафкура, атеистик ғоялар динни қоралаб муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишни таъқиқлаб қўйди. Бунинг оқибатида асрлар мобайнида асраб келинган зиёратгоҳлар ташландиқ ҳолга келиб қолди.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигин қўлга киритиши совет давлатининг муқаддас зиёратгоҳларга бўлаётган ноҳақ сиёсатига барҳам бериш имкониятларини яратиб берди. Бугунги кунда жаҳонга юз тутаётган ва дунё тан олаётган Ўзбекистоннинг тарихий обидалари, муқаддас қадамжолари асрлар оша замонлар силсиласини, тарихий маданиятини, буюк кишилари дафн этилган зиёратгоҳларни авайлаб асраб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан муқаддас қадамжолар ўз қаддини тикламоқда.

Ўзбекистонда ислом дини ривожига кенг йўлнинг очиб берилиши, буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссаларини кенг ёритиб берилаётгани, муқаддас қадамжоларни қайта тиклаб берилаётгани сабабли нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг таълим ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди¹.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. - Б. 38.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган кўплаб зиёратгоҳлар қайта тикланиб ўзининг асл ҳолатига қайтмоқда.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳам бир қатор зиёратгоҳлар мавжуддир. Ташкент шаҳрининг Себзор даҳасидаги Ҳазрати Имом мажмуаси ҳақли равишда шаҳардаги бош ёдгорлик мажмуаларидан ҳисобланади. Ушбу зиёратгоҳнинг номи Тошкентда туғилган мусулмон оламининг дастлабки имомларидан бўлган Абу Бакр Муҳаммад Қаффол Шоший номидан олинган бўлиб, у диний билимлар билимдони ҳисобланган. Ислом оламида машҳур бўлган бу инсон ҳижрий 366 йилда вафот этган ҳамда шаҳар деворидан ташқарида Кайковус канали бўйидаги обод ҳудудга дафн этилган, кейинчалик унинг қабри атрофида қабристон юзага келган¹.

Айрим маълумотларга кўра, унинг қабри устига қурилган мақбара XIII асрда ҳам мавжуд бўлган, лекин кейинчалик у вайрон бўлган. XVI асрда унинг пойдевори устига янги мақбара қурилган. Мақбара эшигидаги ёзувда меъмор Гулом Ҳусайн ҳамда хаттот котиб Қудратнинг исми, шунингдек, қурилиш санаси ҳижрий 948-1541 йиллар кўрсатилган. Мақбара ҳамда унга ёндош бўлган ҳудудлар асосий зиёратгоҳ бўлган ва бу ерда кейинчалик пайдо бўлган мажмуа номи шундан олинган. Мутахассисларнинг фикрича, бу зиёратгоҳ сўфийлар марказига хос мақбаранинг нодир турларидан бирига мансуб бўлиб, у улкан тарихий аҳамиятга эга.

Мақбара ичида сағана мавжуд бўлиб, у Абу Бакр Муҳаммад Қаффол Шоший қабри устига ўрнатилган бўлиши мумкин деган тахминлар мавжуд².

Мақбара ичида яна тўртта сағана бор. Ташқарида, бош пештоқнинг икки томонида сағана мавжуд. Кираверишда икки табақали нақшинкор эшик ўрнатилган. Эшикнинг юқори қисмида ўқиб бўлмас даражага келиб қолган ёзув мавжуд³.

¹ Тошкент ислом маданияти гавҳари. – Т.: Ўзбекистон, 2007. - Б. 108.

² Ўша асар. - Б. 110.

³ Ўша асар. - Б. 110.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, аجدодларимиз маданий, маънавий-маърифий мероси, буюк алломалар мақбара ва кадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштиришга катта эътибор берилди бошланди.

Ўзбекистоннинг сиёсий, маданий маркази ҳисобланган Тошкент шаҳрида жойлашган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) зиёратгоҳидаги биноларни таъмирланиши ва ободонлаштирилишига алоҳида эътибор қаратила бошлади. 2007 йилга келиб юртимиздаги бошқа кадамжолар қатори Ҳазрати Имом мажмуасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2007 йил 20-февралида “Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” махсус қарор қабул қилинди. Президент ташаббуси билан амалга оширилган ишлар натижасида асрлар мобайнида кишилар томонидан эъзозлаб келинган ушбу зиёратгоҳ ўзининг асли ҳолига келтирилди.

Мустақиллик йилларида қайта тикланган зиёратгоҳлардан бири Зангиота мажмуасидир. Ушбу зиёратгоҳ 800 йил аввал яшаб ўтган, Яссавий тариқатининг йирик намоёнларидан бири – Занги ота Ойхўжа ибн Тохирхўжа номи билан боғлиқдир.

Занги ота ўз илми, меҳнати, одамийлиги, ҳикматлилиги ва ростгўйлик фазилатлари билан донг таратган бўлиб, ўз даврининг ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ инсонлардан биридир¹.

Президент И.А.Каримов ушбу зиёратгоҳни тиклаш уни асли ҳолига қайтариш зарурлиги тўғрисида гапириб қуйидаги фикрларни билдириб ўтадилар. “Бутун ислом дунёсида маълум ва машҳур Занги ота мажмуининг кейинги йилларда тубдан қайта таъмирланиб, гўзал ва обод бир зиёратгоҳга айлантирилгани савобли ишлардан бири”².

Зангиота мажмуаси ва зиёратгоҳи Тошкент вилояти Зангиота қишлоғидаги меъморий ёдгорлик бўлиб, у XV асрларда Амир Темур ташаббуси билан қурила бошланди ва бу мақбара кейинчалик Мирзо Улуғбек

¹ Зангиота тумани мустақиллик йилларида. – Т.: Ўзбекистон, 2000. - Б. 7.

² Ўша асар. - Б. 7.

томонидан ниҳоясига етказилди. Зангиота зиёратгоҳида Занги ота ва Анбар биби мақбаралари жойлашган. Ушбу зиёратгоҳ мақбара, дарвозахона, мадраса, масжид, хоновоҳ – шийпон, минора ва ҳовуздан иборат. Анбар биби мақбараси, ҳовуз, шийпон ва дарвозахона алоҳида-алоҳида қилиб қурилган. Зангиота мақбараси эса мадраса ва масжид билан ёнма-ён тушган бўлиб, ҳовлига дарвозалар орқали ўтилади.

Занги ота мақбараси дастлаб тўрт хонали безаксиз бўлган, оқ мармардан қилинган қабртошларига ўйма нақшлар ва арабий хатлар битилган. Кейинчалик мақбара олдида пештоқ қурилиб кошинкори безак берилган.

Мақбара XIV асрнинг 80-йилларида Амир Темур томонидан қурила бошланган ва Улуғбек даврида XV асрнинг 20-йилларида якунланган¹.

Собиқ совет тузуми даврида деярли хароба ҳолига келтирилган, бу зиёратгоҳ мустақиллик туфайли қайта тикланди ва бугунги кунда энг катта зиёратгоҳлардан бирига айланди. Яқин тарихимизда, 1980 йилларда ушбу зиёратгоҳ “атеистлар уйи”га айлантирилган бўлиб, бу ерда атеистик ғоялар тарғиботи билан шуғулланар эдилар.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши бундай ноҳақликларга чек қўйиш имкониятларини яратиб берди.

Бугунги кунда нафақат мамлакатимиздан, балки хориждан ҳам юзлаб одамлар келиб зиёрат қилаётган Зангиота зиёратгоҳини бунёд этилиши ҳақида ривоят мавжуд.

Буюк соҳибқирон Амир Темур зиёратгоҳларни обод қилишга катта эътибор берган. Амир Темур Туркистонга бориб, у ерда Хожа Аҳмад Яссавийнинг муборак қабрларини зиёрат қиладилар ва бу ерда мақбара қуриш ишларини бошлаб юборадилар, лекин нима учундир мақбаранинг тиклаш қийин бўлаверади. Ана шундай кунларнинг бирида Амир Темур туш кўради. Тушида нуроний бир зот: “Эй Амир, мақбарани аввал Зангиотага қуриш, сўнг Яссавийга қурурсан қурурсан”, - дейди.

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-том. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 004. - Б. 666-667.

Шундан сўнг Амир Темур Занги ота ўтган масканни зиёрат қилиб, макбара қурилишини бошлайди. Бу мухташам зиёратгоҳ кейинчалик Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек томонидан ниҳоясига етказилди.

Мустақиллик йилларида Президент И.А.Каримов ташаббуслари билан Занги ота макбарасини тикланиши муносабати билан зиёратгоҳга олиб борадиган йўлга Амир Темур номи берилди¹.

Бугунги кунда мажмуа атрофи ободонлаштирилиб, тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган.

Мустақиллик йилларида қайтадан тикланган ва бугунги кунда кўплаб одамлар учун муқаддас зиёратгоҳга айланган қадамжолардан бири Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуидир. Истиқлол шарофати билан Имом ал-Бухорийнинг ўлмас мероси халқимизга қайтарилди.

Президент Ислам Каримов бу буюк инсон ҳақида гапириб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтадилар: “Буюк мутафаккир алломаларимизнинг ислом маданиятини раванқ топтиришга қўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида “муҳаддислар султони” дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборақ номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Бу мўътабар зот мероснинг гултожи бўлмиш энг ишончли ҳадислар тўплами – “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби ислом дини Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқадас манба бўлиб, аҳли ислом эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи ҳисобланади. Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда”².

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи – Самарқанднинг меъморий ёдгорлик, зиёратгоҳ. Имом ал-Бухорий дафн этилган Челек тумани Хартанг қишлоғидаги қабристон мусулмон аҳлининг энг табаррук ва азиз зиёратгоҳларидан бўлиб келган. XVI асрда Имом ал-Бухорий қабри устига

¹ Зангиота тумани мустақиллик йилларида. – Т.: Ўзбекистон, 2000. - Б. 8.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.,: Маънавият, 2008. - Б. 38.

мўъжазгина мақбара, ёнига масжид қурилиб, ҳовлисига бир неча туп чинор экилган¹. Лекин шўро тузуми давридаги даҳрийлик сиёсати туфайли бу маскан қаровсиз аҳволга тушиб қолган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Имом ал-Бухорий каби бутун умрини иймон ва эътиқод, илм-маърифат, диёнат йўлига бахшида этган улуғ зотлар хотираларини эъзозлаш, улар номлари билан боғлиқ жойларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилга бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 апрелдаги “Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида алломанинг мақбараси ўрнида махсус ёдгорлик мажмуи барпо этилди². Бу ёдгорлик мажмуи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов раҳбарлигида яратилган лойиҳа асосида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Шаҳрисабз халқ усталари томонидан 1998 йилда қурилди.

Мажмуа авваламбор зиёратгоҳ, муқаддас қадамжо, сўнг кундалик, жума, ҳайит намозлари ўқиладиган жой вазифасини ўтайди. Бу ерда ҳадис илмини ўрганиш ва бошқа маърифий ишларни амалга ошириш ҳам кўзланган.

Ёдгорлик мажмуанинг бош режасини тузишда анъанавий миллий меъморий ечимлар (пештоқ, равоқ, гумбаз, айвон ва бошқалар) асосида барпо этилган бинолар (мақбара, масжид, маъмурий ва бошқалар)нинг ҳовли атрофида шаклланиши кўзда тутилган. Мажмуа олдидаги маъмурий бинонинг бош тарзи жанубга қараган. Ёдгорликка учта пештоқли, ўймакор эшикли дарвазохоналар орқали кирилади. Асосий дарвазaxonанинг олди ва ҳовли томонидан анъанавий услубда маҳобатли пештоқ ишланган.

Миёнсарой диаметри 10,5 м ли мовий гумбаз билан ёпилган. Олд пештоқнинг икки тарафида моҳирлик билан ишланган кошинлар орасига араб ва лотин алифболарида ёдгорликнинг қурилиши ҳақида маълумот берадиган лавҳа ўрнатилган³.

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-том. 2001. - Б. 280.

² Шу жойда. 280-бет.

³ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-том. 2001. - Б. 280.

Икки қанотдаги нисбатан кичик пештоқли дарвозахоналар бинонинг мутаносиб равишда яхлитлигини сақлаган ҳолда унга ўзига хос салобат бахш этади. Катта дарвозахонанинг ўнг тарафида маъмурий ва бошқа ёрдамчи хоналар жойлашган. Бош йўлнинг ўнг тарафида фаввора қурилган. Ундан чапда, масжид тарафда қадимий чинорлар ва ҳовуз сақланиб қолган. Ҳовли саҳнидаги йўлаклар чорси шаклидаги оҳақтош ғиштлар билан қопланган.

Мустақиллик кўплаб буюк алломалар билан бирга Имом ал-Бухорий кадрияти тикланиб 1998 йилда бу буюк инсонга бағишланган ёдгорлик мажмуа очилди.

Бугунги кунда минглаб одамлар учун зиёратгоҳга айланган ушбу кадамжони очилиш маросимида И.А.Каримов сўзга чиқиб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтдилар. «Имом ал-Бухорий хазратлари нафақт ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахрғифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир»¹.

Мустақиллик шарофати билан Имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳаққоний билимларни ўрганиш имконияти яратиб берилди. Бугунги кун маълумотларига қараганда бу буюк инсон ўз замонасининг обрўли оилаларидан бирида туғилган ва 5-6 ёшидан исломий илмларни ўрганишга киришган. Имом ал-Бухорий ўз замонасининг таниқли муҳаддислари алғДоҳилий, Муҳаммад ибн Салом алғПойкандий, Муҳаммад ибн Юсуф алғПойкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад алғМаснадий ва бошқалардан илм, сабоқ ўрганди².

Имом ал-Бухорий 825 йилда онаси ва акаси билан Маккага келиб, ҳам ибодатини адо этди, онаси ва акасини Бухорога қайтариб, Маккада қолди ҳамда бу шаҳардаги машҳур уламолар Иброҳим ибн Манзир, Мутриф ибн Абдуллоҳ, Иброҳим ибн Ҳамза билан мулоқатда бўлиб, улардан ҳадислар бўйича сабоқлар олди.

¹ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 2001. - Б. 448.

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 4-том. 2001. - Б.279.

Имом ал-Бухорий яшаган даврда диний илмларни ўрганиш, кўплаб шаҳар ва давлатларда яшаётган машҳур кишилардан сабоқ олишни талаб қилар эди.

Имом ал-Бухорийнинг Хижоз, Мака, Тоиф, Жидда шаҳарларига қилган сафари 6 йил давом этди, сўнг Басра, Куфа ва Бағдодга сафар қилди. Бундан ташқари Хуросон, Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур ва Рай шаҳарларига бориб, бу ердаги олимлардан сабоқлар олди ва ҳадислар тўплади.

У хорижий юртлардаги сафарлардан қайтгач Бухорода ҳадим илмини тарғиб этишга киришди.

Имом ал-Бухорий нинг халқни ўртасида ҳурматини оширган асосий фазилатлари илм кишиларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб қувватлагани, даромадини ката қисмини камбағалларга сарфлагани, ортиқча дабдаба вас арф ҳаражатларга йўл қўймаганлиги эди¹.

Илмий-тарихий манбаларда бу инсоннинг ўткир зеҳни, яхшиликларга интилиши ёшлигиданоқ намоён бўлганлиги қайд этилади.

Имом ал-Бухорий ўз фаолияти билан барча кишиларга намуна бўлди ва «Амир улфаминин», «Шайх-ул ислом», «Имомуд дунё» деган шарафли номларга сазовор бўлган инсондир².

Имом ал-Бухорий диний ва дунёвий эътиқоди темирдек мустаҳкам илм-маърифат нури билан инсониятга эзгулик қилган буюк алломадир. Имом ал-Бухорий қолдириб кетган катта маънавий ва диний мерос ўн икки асрдан бери миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан ёритиб, уларни ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда.

Имом ал-Бухорий ўзидан кейин қолдирган мерос нафақат диний, шу билан бирга маънавий ва ахлоқий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу буюк инсон томонидан қолдирилган меросда меҳр-оқибат, саҳийлик, очик кўнгиллилик, отағона ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга муруват, Ватанга муҳаббат,

¹ Бухорий. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Т.: 2001. - Б. 279.

² Бобоев Х., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълим тараққиёти. – Т.: Янги аср авлоди. 2001. - Б. 173.

меҳнатсеварлик, ҳалоллик, турли халқ ва миллатларнинг ўзаро дўст, тинчгтотув яшашлари ҳақида фикрлар билдирилади.

Имом ал-Бухорийнинг собиқ мустабид – тоталитар тузум, эски коммунистик мафкура зуғуми билан таъқиқлаб қўйилган асарлари бебаҳо таълимоти Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг дастлаб йиллариданоқ катта қизиқиш билан ўрганила бошлади, у кишининг хотираларини абадийлаштириш борасида бир қанча хайрли ишлар қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолиги билан Имом ал-Бухорий га бағишлаб қутлуғ зиёратгоҳ, улкан мажмуа қуриб тиказилди. Зиёратгоҳнинг очилиш маросимида дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюрди¹.

Қадим-қадимдан Шарқу Ғарбга машҳур Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари оралиғидаги масканларда қад ростлаган обидалар асрлар оша ўзининг беқиёс гўзаллиги билан кишиларни мафтун этиб келади. Қосим Шайх номлари билан аталувчи мажмуи ҳам нодир меъморий ёдгорликлар сирасидан муносиб ўрин тутди.

Кўҳна, аммо муҳташам бино Кармина шаҳрининг жанубий томонида ўргашган. Кармана – Турон заминининг қадимий шаҳри, хушҳаволи, хушманзарали, обод жой.

Кармана кўплаб шайхлар, уламою фузало яшаб, ижод қилиб ўтган тарихий маскнадир. Улардан Мир Саййид Баҳром, Мавлоно Ориф Деггароний, Шайх Эмин Карминагий, Мавлоно Ҳомиддин Карминагий, Мавлоно Нуриддин Карминагий, Мавлоно Саййид Аҳмад Каминагий, Мавлоно Сайфиддин Карминагий, Хўжа Сулаймон Карминагий, Мулло Муборак Карминагий, Мавлоно Ҳасан Карминагий, Шайх Нуриддин Раҳмон ҳамда Қосим Шайх Азизонлар ўзларининг комиллиги билан ажралиб турганлар.

¹ Бобоев Х., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимот тараққиёти. – Т.: Янги аср авлоди. 2001. - Б. 178.

Машхур суфий, қутб ул-авлиё Қосим Шайх ҳазратлари тахминан XVI аср бошларида Кармананинг Маржонхотин қишлоғида таваллуд топганлар. Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олганлар. Ул зотнинг устозлари Қўҳи Нури Мавлавий ва Шайх Худойдоддир¹.

Қосим Шайх тасаввуфнинг жаҳриф сулукига мансуб бўлиб, сархалқаси ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий бўлган маънавий-руҳоний силсиласида ўн учинчи ҳалқа ҳисобланади.

Қосим Шайх ҳазратлари Оллоҳдан кўркувчи, фақиҳ, соҳиби каромат ва дуолари мустажоб бўладиган зот бўлганлар. 1551 йилда Туркистон ва Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмадхон катта кўшин билан Миёнқол ва Офаринкентни босиб олиш учун келаётганини эшитган Миёнқол ва Офаринкент ҳокимлари ҳар томонлама қочиб кетган эдилар. Ҳатто, Абдуллахоннинг отаси Искандархон ҳам Андхуд ва Шибирғон томонга қочган эди. Бироқ, 17 ёшли Абдуллахон Қосим Шайх ҳазратларининг ёрдамида Кармина қалъасини ҳимоя қилади. Наврўз Аҳмадхон Карминани 12 сутка қамал қилади, бироқ Кармина қалъасини ололмайди. Қалъа ичида Қосим Шайхнинг ҳам борлигини эшитган Наврўз Аҳмадхон у кишига бўлган чуқур эҳтироми сабабли бўлса керак, Абдуллахон билан сулҳ тузишга мажбур бўлади ва ўз юртига қайтиб кетади. Абдуллахоннинг ижтимоий-сиёсий фаолияти бошланишида Қосим Шайхнинг хизматлари катта бўлган².

Қосим Шайхнинг комиллик хислатлари ва бу хизматларини ҳурмат қилган Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II бу кишини пири муршид атаб, уларга Азизон деб ном берган. Азизон “азизлардан”, “улуғлардан” ёки “азиз устозлардан” деган маънони билдиради. Абдуллахон бирон хайрли тадбирли бошламоқчи бўлса, аввал Қосим Шайх ҳазратларининг маслаҳатлари ва дуоларини олиб, кейин ишга киришган³.

¹ Хотамов А., Бекниёзов Н. Кармана – қадимий диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б.78.

² Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. Т.: Шарқ, 1999. - Б. 94-97.

³ Ҳазрат Қосим Шайх ҳақида кўшимча маълумотларни А.Ҳотамов ва Ш.Халиловнинг “Йиллар садоси” (Т.: Адолат, 1995), С.Иноятов, Ҳ.Тўраев, М.Саидовнинг “Қосим Шайх Азизон” (Т.: А.Қодирий, 2000) номли китоблардан олиш мумкин.

Хонақоҳ тахминан 10 йил ичида қурилган. Унинг уч томони кунгурадор қилиб безатилган қурилмадан иборат. Хонақоҳнинг тўрт бурчагида тахминан 6x6 с ўлчамдаги ўнбурчак хужралар бор. Ҳар бир хонанинг усти ғиштин гумбаз билан қопланган. Бинонинг ичи ганчкорлик асосида нақш билан безатилган. Бино ичида жами 5 та гумбаз бўлиб, ўртада ердан баландлиги 12 м бўлган катта гумбаз ва тўрт томонда ердан баландлиги 8 м бўлган гумбазлар мавжуд. Хонақоҳ деворининг қалинлиги 80 см. Бинонинг умумий кўринишида минора шаклидаги баланд гумбаз ажралиб туради. У бино тоmidан тахминан 9 метр кўтарилган бўлиб, гумбаз деворлари орасида бўшлиқ жой қолдирилган.

XVI асрда яшаган бухоролик устанинг чизмалари орасидан Қосим Шайх хонақоҳининг монументал режаси топилган. Бухородаги Чор Бакр, Ромитандаги Мулла Мир мадрасалари ва Дабус қалъадаги Имом Баҳра ота мақбараси билан Қосим Шайх хонақоҳи ўхшаш.

Ҳазрати Қосим Шайх Азизон XV асрнинг охирларида Карманага яқин бўлган Маржонхотин қишлоғида таваллуд топган. Ҳижрий 986 йилда тахминан 80 ёшларида вабо касаллиги оқибатида Карманада вафот этган ва ўзининг васиятига асосан Карманада ўзи қурдирган гумбаз остига дафн қилинади.

1579 йилда Абдуллахон II Самарқанддан қайта туриб, пири Қосим Шайх ҳазратларининг гўрини зиёрат қилади ва бу жойни янада ободонлаштириш мақсадида зиёратхона, меҳмонхона, хужралар ва бошқа қўшимча қурилишларни қуришга буйруқ беради¹.

Шу тариқа Қосим Шайх Азизоннинг қабр атрофлари ободонлаштирилади, қабри устига сағана қилинади. Сағананинг баландлиги 2-2,5 метр атрофида бўлиб, сатҳи 9x10 метрни ташкил этади. Зиёратчилар учун хонақоҳнинг шарқ томонида, хонақоҳга ёпиштириб, 8x15 м ўлчамдаги олди айвонли учта хона қурилган. Шундан сўнг бу ер ғоят обод бўлган. Қабр атрофлари сайқалланган мармар тошлар билан ўралиб, зиёратгоҳга

¹ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. - Т.: Шарқ, 1999. - Б. 320-321.

айлантрилган. Мақбара Буюк ипак йўли яқинида қурилгани учун турли мамлакатлардан келган савдогарлар, дин арбоблари, қаландарлар, мусофирлар Қосим Шайх ҳазратларининг муборак марқадрларини зиёрат қиладилар. Хонақоҳда зикр тушилган, бу дунёнинг фонийлиги, охират эса боқий эканлиги билан овоз билан куйланган. Одамлар инсофу тавфиққа чақирилган. Айрим ҳолларда бу ерда намоз ҳам ўқилган. Умуман, Қосим Шайх хонақоҳида ҳаёт ана шу тарзда ўтаверган.

Тоталитар тузум даврида Қосим Шайх Азизон қаби хор қилинди, мрамар тошлар ўғирлаб кетилди, мақбара ташландиқ тиконзорга айланди. Бироқ, шунга қарамасдан хонақоҳ имонли кишилар томонидан бир неча бор таъмирланди. 2001 йилда зиёратхона бутунлай янгиланди.

1979-1984 йиллар Кармана тарихида сезиларли давр бўлди. Бу йилларда Карманада асл элпарвар, фидоий инсон Хайриддин Зайниев бошчилигида катта ишлар амалга оширилди. Бу зукко ва донишманд одам 60 йил давомида таъқиб қилиб келинган дини исломга йўл очилаётганини тез пайқади ва бу муҳим масалага эътибор қаратди. У ишни, аввало, бозордан бошлади. Унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан бозор атрофи чиройли қилиб ўралди, ўртасига усти ёпиқ 3 та катта айвон қурилди, одамлар дам олиши учун фаввора ўрнатилди. Бозорга олиб кирадиган учта дарвоза – асосий дарвоза, жанубий дарвоза ва Самарқанд дарвоза қурилди. Бозорнинг асосий дарвозаси нақшинкор қилиб безатилди. Ҳар бир хўжалик учун биттадан дўкон қурилди. Бозорнинг Самарқанд дарвозаси ёнида эса меҳмонхона қурилди. Бу ерда узоқдан келган меҳмонлар дам олиб, савдо-сотикларини қила бошладилар.

Шундан сўнг карманалик қарияларнинг илтимосларини ҳисобга олиб, Қосим Шайх мазорига эътибор қаратди. Ўзи бош-қош бўлиб, туман аҳолисини бу ишга жалб этди. “Диндорларга ён босаётирсан”, - деган таънадан чўчимади, тазйиқдан кўркмади. Қосим Шайх хонақоси обод бўлиб, файзиёб зиёратгоҳга айлана бошлади.

Кармана валийлари

Кармана тарихида буюк алломалар, олиму фузало, шайху авлиё, хону амирлар кўп бўлган. Уларнинг ҳаёти, фаолияти ва ижоди шу пайтгача тадқиқ этилмаганлиги сабабли кўпчилик бу шахсларни яхши билмайди.

Мазкур шахслар ҳақида баъзи маълумотлар Саййид Муҳаммад Носир Бухорийнинг Бухорода ҳижрий 1328 йилда форс тилида чоп этилган “Зиёратчиларга совға” асарида баён этилган. Ушбу китобда баъзи бир валийлар ҳақида умумий маълумот берилгани ҳолда, кўпчилиги “Карминагий” тахаллуси остида тилга олинган. Улар Хўжа Исоқ Карминагий, Хўжа Собир Карминагий, Шайх Тангриберди Карминагий, Ҳазрати Эмин Хўжа Карминагий, Хўжа Хусрав Карминагий, Мулла Вафой Карминагий, Шайх Аҳмад Карминагий, Мавлоно Ҳомиддин Карминагий, Шайх Нуриддин Карминагий, Хўжа Саййид Аҳмад Карминагий, Мавлоно Сайфуддин Карминагий, Хўжа Сулаймон Карминагий, Мулла Муборак Карминагий, Мавлоно Ҳасан Карминагийлардир.

Тарих фанлари доктори, профессор Сулаймон Иноятовнинг кўп йиллик изланишлари натижасида Карманада яшаб, ижод қилган кўплаб олимларнинг номларини аниқлади.

Мир Саййид Баҳром ва унинг укалари

Мир Саййид Баҳром укалари Мир Саййид Оҳу ва Мир Саййид Жалол билан Карманага ислом динини тарғиб қилиш мақсадида келиб қолганлар. Улар бу ерга қаландар сифатида ташриф буюрганлар. Силсила бўйича уларнинг келиб чиқиши юқорига қараб ҳисобланса, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга бориб тақалади. Бу ҳақда Абу Тохирхўжа Самарқандийнинг “Самария” асарида маълумот олиш мумкин.

Мир Саййид Баҳром ва унинг укалари X-XI асрларда яшаб ўтганлар. Уларнинг туғилган ва вафот этган вақти маълум эмас. Бу зукко, ақлли, билимли ва ўз навбатида, кароматли шахслар маҳаллий халқ томонидан

ардоқланиб, кутиб олинган. Вафот этгач эса, уларнинг ҳурматлари жойига қўйилган. Мир Саййид Баҳромнинг Бухоро хонлигидаги ҳурмат-эътиборини ҳисобга олиб, унга атаб Бухородаги Исмоил Сомоний мақбарасига ўхшаш мақбара қурганлар.

Мир Саййид Баҳром мақбараси Кармана шаҳрининг Охунбобоев номи кўчаси билан Мир Саййид Баҳром номи кўчасининг кесишган қисмида жойлашган. Мақбара X-XI асрга хос бўлиб, республикада муҳофазага олинган ёдгорликлар қаторига киради.

Мир Саййид Баҳром етук уламо, дин арбоби, тақводор, кароматлар соҳиби, комилликка эришган авлиё бўлган.

Мир Саййид Баҳромнинг укаси Мир Саййид Оҳу ҳозирги Файзулла Хўжаев номи мактаб дарвозасининг чап томонида дафн қилинган, қабри узра сағана ва туғ кўтарилган. Мир Саййид Баҳромнинг кичик укалари Мир Саййид Жалол эса Мир Саййид Оҳу сағанасининг кунчиқар томонида, ундан тахминан 150 м нарида, худди шу таҳлитда қўмилган. Ўша даврда бу ердаги мозорлар улар номи билан аталган¹.

Бу уламолар ҳақида тарихий манбалардан ҳеч бир маълумот тополмадик.

1985-1990 йилларда Мир Саййид Баҳром мақбараси атрофи ободонлаштирилди. Мақбаранинг шимол тарафида “Ёшлик” болалар истироҳат боғи, 140 ўринли ёзги кинотеатр, болалар мусиқа мактаби, болалар спорт мактаби ва ўқувчилар саройи қурилди. Йўқотиб юборилган Кармана аркининг ёнида Алишер Навоий номи маданият саройи ва Увайсий номи икки қаватли кутубхона, Кармананинг ғарбий қисмида “Фарҳод” ва “Ширин” қўрғонлари қад кўтарди.

Ҳозирги даврда Карманада умумхалқ байрамлари – Наврўз, Мустақиллик ва Ҳосил байрамлари Мир Саййид Баҳром боғида ўтказилмоқда.

¹ Хотамов А., Бекниёзов Н. Кармана – қадимий диёр. - Т.: Ўзбекистон, ТМИУ. 2007. - Б. 94-95.

Ҳазрат Абул Ҳасан Ҳарқоний (Қалқонота)

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Абул Ҳасан Ҳарқоний ҳазратлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Бундан ташқари, Навбахор тумани Охунбобоев жамоа хўжалигида яшаган мулла Икром бобо Ҳамроевнинг шахсий кутубхонасидаги “Ҳақойик ул-асрор” китобида 4444 авлиё ҳақида маълумот бор. Шу китобда айтилишича, Ҳазрат Абул Ҳасан Ҳарқоний 937 йилда Рум (Туркия)да туғилган. Бу мухтарам зот вояга етгач, ислом оламидаги энг катта илм масканларидан бири бўлган Бухоро шаҳрида таълим олган. Бу ерда билимини ошириб, шайх даражасига эришади. 974 йилда Хатирчини ёв босиб, халқ бошига кўп кулфат офат келади. Абул Ҳасан Ҳарқоний ғазотда қатнашиш учун Деггарон қишлоғи орқали бу ерга келади. Ўзининг каромати, жасорати ва донишмандлиги билан халққа йўл кўрсатади. Унинг илму каромати туфайли душман кўшинлари орқага қайтиб кетади ва ерли халққа зиён етмайди. Шу қоеадан сўнг маҳаллий халқ бизнинг “Қалқон отамиз бор”, - деб қувонган ва бу қишлоқнинг номи “Қалқонота” бўлиб кетган.

Ҳазрат бу жойларнинг сўлим ҳавосига маҳлиё бўлиб, шу ерда яшашни ихтиёр этганлар ва умрларининг охиригача Наршахий айтиб ўтган Ҳарқонруд қишлоғида яшаганлар. Авлиё ота 1033 йилда шу қишлоқда вафот этганлар ва “Ҳарқонруд” ариғининг шимолий томонидаги қирнинг жанубига дафн этилган.

Бу жой ҳозирги вақтда Қалқонота қабристони деб юритилади.

Абу Ҳасан Ҳарқонийнинг қабри ободонлаштирилган. Халқ ўз “Қалқонота”сини эъзозлаб келмоқда, қабр устига 6x10 м ўлчамдаги мақбара қурилган, сағана ўрнатилган. Сағананинг эни 2 м, бўйи 8 м.

Ҳазрати Мавлоно Ориф Деггароний

Саййид Муҳаммад Носирнинг ҳижрий 1328 йилда Бухорода форс тилида чоп этилган “Тухфат аз-зоирин” (“Зиёратчиларга совға”) асарида Бухоро ва Тошкент оралиғида яшаб ўтган шайх ва авлиёлар тўғрисида

кизиқарли маълумотлар берилган. Гап шайх ва авлиёлар ҳақида кетганда, биринчи бўлиб, ҳазрат Саййид Амир Кулол тилга олинади.

Саййид Кулол айтган эдилар: “Менинг ёронларим орасида мана шу икки киши, яъни Хожа Баҳоуддин ва Мавлоно Ориф Деггаронийга ўхшаган ҳеч ким йўқ, қаддасаллоҳу сиррахумо. Булар ҳаммадан ўзиб кетдилар. Мавлоно Ориф Деггаронийнинг хизмати ва мулозиматида бўлдилар. Бу мулозаматда хилма-хил риёзат ва жидду жаҳдни ўз бўйинларига олдилар. Деггарон ва унинг атрофларида юрдилар. Кўп вақтлар Мавлоно Ориф билан бирга Работи Малик курилишида мардикорлик қилдилар. Ажиб ва ғаройиб воқеалар бошларидан ўтар эди. Мавлоно Орифнинг иззати учун мулозамат ва хизматни давом эттирар эдилар. Шу етти йил давомида ариқ лабига таҳорат учун борсалар-да, Мавлонодан юқорида таҳорат қилмас эдилар. Йўлда кетаётганларида уларнинг қадамларининг изи устига оёқларини қўймас эдилар”¹.

Демак, Мавлоно Ориф Баҳоуддин Нақшбанднинг устози бўлиб, ундан улуғроқ ҳисобланган.

Ривоят қилишларича, бир йили Зарафшон дарёси тошиб, Деггарон қишлоғига сел келади. Бу вақтда ҳамма фиғон қилиб кўчага чиққан бўлган. Шунда Мавлоно Ориф ўзларини селга ташлайдилар ва: “Кучинг етса, мени оқизғил, халққа жабр қилма”, - дейдилар. Сел шу дақиқадаёқ тўхтади, халқ сув балосидан қутулади.

Юқоридаги сифатлардан кўриниб турибдики, Мавлоно Ориф комил инсон, етук пир ва дин пешвоси бўлибгина қолмасдан, кароматлар соҳиби, башорат қилиш, мўъжиза кўрсатиш қобилиятига эга валий бўлганлар.

Мавлоно Ори Деггароний ўлимларидан олдин Баҳоуддин Нақшбандни чорлаб, вафотидан сўнг уни қабрга ўзи қўйишини васият қилганлар. Бу васият бажарилган. Шундан кўриниб турибдики, Мавлоно Ориф Баҳоуддин Нақшбанддан олдин вафот этганлар. Садриддин Салим

¹ Абу Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон.- Т.: Ёзувчи. 1993. - Б. 49-50.

Бухорий “Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний” номли рисоласида у кишининг таваллуд йилини 1312 йил, вафоти 1375 йил деб кўрсатган¹.

Ҳозирги кунда Карманадан 40 километр шимоли-ғарбда жойлашган Хазора қишлоғида Мавлоно Ориф Деггаронийнинг сағанаси мавжуд. Сағана ёнида туғ кўтарилган. Сағана атрофи пишиқ ғиштдан деворча қилиб ўралган, зиёратгоҳга айлантирилган.

Сағананинг жануб томонида, ундан 2 м нарида 3,5x3,5 м ўлчамдаги, баландлиги 2 м бўлган бир гумбазли чиллахона мавжуд. Чиллахонанинг эшиги кунинчиқар томонга қараган, гумбазнинг тепасида шимол томонида биттагина туйнук бор.

Сағананинг шимол томонида 2 м масофада чуқурлиги 23 м бўлган қудук бор. Қудуқнинг суви шифобахш ҳисобланади.

Қабр худди Баҳоуддин Нақшбанднинг қабри каби мармар тошлар билан сақйалланган. Бу тошлардан намуналар ҳозир ҳам сақланган.

1990 йилда сағананинг ғарб томонида 6 м масофада 12x12 м ўлчамдаги намозхона қурилди. Намозхонани қизилтепалик Тоғаев Убайдулла Рўзиқул ўғли ўз ҳисобидан қурдирди. Устачилик, ёғоч ўймакорлиги ишларини эса ҳазоралик уста Муҳаммад бажарган. Намозхонанинг шимол, жануб ва шарқ томонида 2 тадан, жами 6 та дераза, шимол ва шарқ томонида 1 тадан, жами 2 та эшик мавжуд. Намозхона ўртасида 3x3 м ўлчамдаги ёғоч гумбаз ўрнатилган.

Мақбаранинг шимоли-ғарбий томонида тахминан 200 м узоқликда “Деггарон” масжиди ҳам бор. “Деггарон” форсча сўз бўлиб, “Қозон қуювчи ёки қозон устаси” деган маънони билдиради. Масжид қурилиши, меъморий тузилишига кўра қадимий ва кимматлидир.

Масжиднинг шимолий томонида эски қўрғон девори қолдиқлари сақланиб қолган. Қўрғоннинг кириш дарвозаси ғарбий томонида бўлган.

Масжид квадрат шаклида 17x17 м ўлчамдаги бинодан иборат бўлиб, у пахса ва ғиштдан қурилган. Пастдан баландгача қалинлиги 1 м бўлган 15

¹ Садриддин Салим Бухорий. Самад Азимов. Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний. – Бухоро, 2004. - Б. 4-32.

пахса урилиб, ҳар пахсанинг орасига бир қатор пишиқ ғишт терилган. Масжиднинг ички қисмидаги хонақоҳ кубсимон, ўрта қисмида диаметри 1,28 м келадиган тўртта пишиқ ғиштин устун бўлиб, уларнинг орасига катта равоқлар, тепасига иккитадан кичик равоқ жойлаштирилган.

Устунлар орасидаги масофа 5,4 м. Масжиднинг марказий гумбази тўртта устуннинг устидан чиқарилган ва ўн икки бурчакли безак ҳосил қиладиган равоқлар устидан кўтарилган. Хонақоҳнинг шимолий, жанубий ва ғарбий томонлари хушбичим ғиштин шарафалар мавжуд¹.

Кириш қисмининг меъморчилиги XIV асрга хосдир, чунки бу ердаги ғиштлар Работи Малик ва Баҳоуддин Нақшбандлар томонидан қурилган, деган тахминга бориш мумкин. Қолган уч томондаги 15 пахсали деворлар 1974 йилда Бухоро вилояти тарихий ёдгорликларни сақлаш давлат инспекцияси томонидан қайта қурилган. Шунгача бу деворлар ўрнида хом ғиштдан деворлар бўлган.

Масжиднинг тепаси гумбазлар билан қопланган. Ўртадаги катта гумбазнинг диаметри 6 м, ердан бу гумбазнинг учигача 12 м. Унинг атрофида яна кичик-кичик саккизта гумбаз бор. Бинода деразалар йўқ. Шундай бўлса-да, гумбазларда қолдирилган 17 та кичик туйнукдан доимо тушиб турадиган ёруғлик ўзаро кесишиб, бино ичи кун бўйи ёруғ бўлишини таъминлайди. Масжидга кунчиқар томонда учта, шимол ва жанубда биттадан эшик ўрнатилиб, у миллий ўймакорлик усулидан ёғочдан ясалган. Масжиднинг кунбатор томонида меҳроб бор. Шарқ ва жануб томонидан алоҳида бўлиб, XX асрнинг бошларида қўшимча равишда қурилган бўлса керак. Чунки масжидни 1951 йилда ўрганган археологлар айтишига қараганда, айвон устунларининг бирида араб рақамида 1328 ҳижрий (1910 й.) деган ёзув бўлган. Бугунги кунда бу айвон бузилиб кетган.

Бизнинг фикримизча, бинонинг қурилиши ва архитектурасига кўра, бино зардуштийлик даврида қурилган бўлиб, атрофлари очиқ бўлган. Кейинчалик, яъни IX-X асрларда бино атрофи хом ғиштдан қалинлиги 1 м

¹ Хотамов А., Бекниёзов Н. Кармана – қадимий диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б.33.

килиб кўтарилган девор билан ўралиб, масжидга айлантирилган. Ғарб томонидаги кириш қисми эса Мавлоно Ориф ва Баҳоуддин Нақшбандлар даврида қурилган.

Бундай меъморчилик обидаси Мовароуннаҳрда ягонадир. Бунга уни кўриб ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ҳозирги даврда ушбу масжиднинг ғарб томонида қўшимча усти ёпик айвон ва бир нечта хоналар қурилган. Айвонга миллий ўймакорлик услубида устунлар ва дарвоза ўрнатилган. Атрофи ободонлаштирилган. Эски “Ҳазора” жамоа хўжалигининг собиқ раислари Исроил Эгамов, Раҳим Исмоилов, Убайдулло Рўзикулов сингари саховатпеша юртдошларимиз бундай хайрли ишларнинг ташаббускори бўлганлар.

Темир Шайх ва унинг атрофидаги бинолар

“Темир Шайх” қадамжоси Карманадан 5-6 км ғарбда, Кармана – Бухоро йўлининг чап томонидаги Темиршайх қишлоғида жойлашган. У, ривоятларга қараганда, ҳазрати Қосим Шайхнинг ўртанча укаси бўлган. Темур Шайх эл ўртасидаги авлиёлиги ва шайхлигидан ташқари, зукко табиблиги билан ҳам ном чиқарган. Кармана атрофидаги аҳолини турли касалликлардан даволаган. Ҳатто ўлгандан сўнг ҳам, унинг сағанаси устидаги тупроқда шифобахш хусусият пайдо бўлган, дейдилар. Мисол сифатида, темиратки касаллигига чалинган беморнинг касал жойига шу қабр тупроғидан суртилса, у шифо топган, ҳозирги пайтда ҳам одамлар ушбу зиёратгоҳдан шифо топомқдалар.

Темир Шайх сақбараси ғоят илоҳийлаштирилган, унинг тепасида туғ кўтарилиб, унга одамнинг кўли ва бармоқлари тасвиридаги “Темир кўл” ўрнатилган. Бундай белгилар фақат Бухоро минтақаси авлиёларигагина хос бўлган.

Темир Шайх мақбарасининг жанубий томонида муҳташам қурилган масжид бўлган. Уни XIX асрнинг 90-йилларида уста Жўра Қўлдошев қурган. Масжиднинг бўйи 10 м, эни 7-8 м, атрофи айвон бўлиб, миллий усулда нақш ва гуллар билан безатилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакат бўлиб, бу ерда кўплаб қадимий шаҳарлар, муқаддас жойлар ва зиёратгоҳлар мавжуддир. Муқаддас замин жаҳон илм-фани тараққиётига, ислом дини таълимотига катта ҳисса қўшган буюк алломалар яшаб ўтганлар.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўплаб зиёратгоҳлар мавжуд бўлган ва улар доимо халқ томонидан авайлаб асраб келинган. Ўзбекистонда мавжуд бўлган кўплаб зиёратгоҳларни ўз келиб чиқиш тарихи бўлиб, бу жойлар доимо маҳаллий олимлар ва дунё олимлари томонидан қизиқиб ўрганиб келинган.

Ўтмишда Ўзбекистон ҳудудидаги муқаддас жойлар Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий, Ибн Арабшоҳ, Абу Ҳафс Насафий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Абу Тохирхўжа, Абд ул-Мўмин Сатторий сингари олимлар томонидан ўрганиб келинган.

Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган кўплаб тарихий шахслар бундай жойларни обод қилишга алоҳида эътибор бериб келганлар. Улар ҳукмронлик қилган даврларда муқаддас жойларга мажмуалар қурилиб, уларни ўша даврлар талаблари даражасида жиҳозлашган.

Қарамлик йилларида бундай қадмжоларга, зиёратгоҳларга бўлган муносабат салбий эди. Минтақа халқлари томонидан авайлаб асраб келинган бундай жойлар собиқ совет тузуми олиб борган сиёсат оқибатида хароб ҳолга келиб қолган эди.

Мустақиллик шарофати билан муқаддас қадамжолр ва зиёратгоҳларга бўлган муносабат ўзгарди. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан бундай жойлар қайта тикланиб, янада ободонлаштирилди, уларни зиёрат қиолиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

1.2. Самарқанд ислом зиёратгоҳларнинг тадқиқ этилиш жиҳатлари

Самарқанд шаҳри Ўрта Осиёдаги энг қадимги шаҳарлардан бўлиб, бу шаҳар ўзини салаботи, қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари билан машҳурдир. Самарқанд шаҳрида бугунги кунда кўплаб зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз тарихига эгадир. Самарқанд шаҳрида жойлашган кўплаб зиёратгоҳлар асрлар мобайнида тарихчи олимлар томонидан ўрганиб келинди ва кўплаб тарихий аҳамиятга эга бўлган китоблар ёзилиб, улар бу шаҳардаги зиёратгоҳлар ҳақида маълумот берадиган манбаларга айланиб борди. Абу Тохиржон Самарқандий “Самария” (Самарқанд мазорлари зикри), Абу Ҳафс Насафий “Қандия” ёхуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд асарларида Самарқанд шаҳридаги зиёратгоҳлар ҳақида маълумот берилади.

Самарқанд шаҳридаги ислом зиёратгоҳлари ҳақида маълумот берувчи бундай манбаларда шаҳардаги масжид, мадрасалар, шаҳар ва унинг теъарағидаги қабр ва мазорлар, қабр аҳлларининг зиёрат йўллари, қабристон элидан олинадиган ибрат ҳақида маълумотлар берилади.

Мустақиллик йилларида зиёратгоҳлар ҳақида маълумот берадиган барча манбалар чуқур ўрганиб келинмоқда, Президент Ислам Каримов ташаббуслари билан Ўзбекистон ҳудудидаги, жумладан, Самарқанд ва унинг атрофидаги зиёратгоҳларни таъмирлашга, уларни ободонлаштиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Муқаддас қадамжойлар ва зиёратгоҳларга ва барча ислом давлатларида маъқулланиб қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Самарқанддаги қадамжолардан бири Абдидарун мажмуасидир. Ушбу зиёратгоҳ Самарқанд қалъа деворининг шарқий томони (дарун – ичкари)да жойлашган қадимги зиёратгоҳ. Ушбу қадамжой IX асрда яшаган аллома Абд Маъдиддин қабри атрофида турли бинолар пайдо бўлиб, меъморий зиёратгоҳга айланди. Зиёратгоҳ марказидаги энг йирик бино XV асра қурилган хонақоҳдир. Зиёратгоҳда ишлатилган безаклар Улуғбек даври меъморчилигига хос. Зиёратхона узоқ вақтлар давомида – жамоатхона

масжид вазифасини ўтаган. Хонақоҳнинг ичида авлиёнинг мақбараси бор. Собиқ совет тузуми даврида ушбу зиёратгоҳ ҳам бошқа зиёратгоҳлар сингари ташландиқ ҳолга келиб қолган эди. Мустақиллик шарофати билан ушбу зиёратгоҳда таъмирлаш ишлари олиб борилди, таъмирлаш натижасида мақбара биносининг дастлабки қиёфаси бирмунча ўзгартирилган. Мақбара ҳовлиси ўртасида булоқ бўлиб, унинг суви йил бўйи бир хил ҳароратда бўлади.

Ушбу кадамжойга келган зиёратчилар ва маҳаллий аҳоли ушбу булоқ сувини шифобахш деб ҳисоблайдилар. Ҳовли атрофидаги хужралар ва ғарб томонда жойлашган масжид XIX асрда бунёд этилган. Масжид безаклари орасида уларни яратган усталарнинг номлари сақланиб қолган¹.

Самарқанддаги зиёратгоҳлардан бири Абдиберун хонақоҳидир. Ушбу зиёратгоҳ Самарқанд қалъа деворининг жанубида (Берунгташқари) жойлашган меъморий мажмуа. Зиёратгоҳда жойлашган кўҳна қабр ёнига тоқу равоқли хонақоҳ XV асрда қурилган масжид мавжуд. Масжид атроф бурчакларига хужра ва зиналар қурилган. Зиёратгоҳнинг масжидини уч томонидан эшиклар очилган. Ушбу зиёратгоҳнинг шимолий ёнбошида авлиё мозори бор².

Абу Ҳафс Насафийнинг «Қандия ёҳуд китоб улқанд фи тарихи Самарқанд» китобида Самарқанддаги _отфари Сарипул зиёратгоҳи ҳақида фикрлар билдириб ўтилади. Ушбу қабристонда Абдулважҳ Аббос Бағдодий, Имом Абу Юсуф ибн Яъқуб Ҳамадоний, Умар ибн Аҳмад Маарғиноний, Имом Искандар, Шайх Димишқий сингари машҳур кишиларнинг қабрлари мавжуддир. Буж ой ҳам муқаддас ҳисобланиб асрлар мобайнида одамлар томонидан зиёрат этиб келинган³.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида муқаддас кадамжолар ва зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, улар асрлар мобайнида авайлаб асраб келинган.

¹ Бобоев Х., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимот тараққиёти. – Т.: Янги аср авлоди. 2001. - Б. 17.

² Ўша жойда.

³ Абу Ҳафс Насафий. Қандия. Ёҳуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд. – Т.: Минҳож, 2005. - Б. 18.

Манна шундай вилоятлардан бири Самарқанд вилоятидир, ушбу вилоятдаги зиёратгоҳлар доимо одамлар билан гавжум бўлиб, уларни ўрганишга катадиққат эътибор қаратиб келинган.

Самарқанд шаҳрида Имом ал-Бухорий , Шоҳи-Зинда сингари йирик зиёратгоҳлар билан бирга кўплаб кичикроқ зиёратгоҳлар ҳам мавжуддир. Ушбу зиёратгоҳларни ўрганиш мақсадида кўплаб асарлар яратилган, манна шундай асарлардан бири Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафийнинг «Китоб улқанд фи тарихи Самарқанд» асаридир. Яқин йилларга қадар Самарқанддаги муқаддас қадамжолар ҳақида маълумот берадиган ушбу китоб сақланиб қолинмаган деган фикрлар мавжуд эди.

Ушбу асар Саудия Арабистони кутубхоналаридан бирида сақланаётгани аниқлангандан сўнг уни ўрганиш имкониятлари пайдо бўлди. Бизнинг кунга қадар сақланиб қолган манбаларда Самарқандда ўтган азиз авлиёлар, табаррук қабристонлар ҳақида бирмунча маълумотлар берилади.

Абу Ҳафс Насафийнинг «Қандия» асарида бир қатор зиёратгоҳлар ҳақида маълумот берилади, шулардан бири «Азизлар қабристони»дир. Бу жойда одамлар зиёрат қиладиган жой Имом Али ибн Исҳоқ қабридир¹.

Маълумотларга қараганда, бу инсон улуғ шахслардан бўлиб, у ўзининг барча мол-мулкларини Оллоҳ йўлига сарф қилган экан. Ушбу қадамжони зиёрат қилганларнинг барча орзу-истаклари амалга ошган деган маълумотлар ёзиб қолдирилган. Бу ерда мавжуд бўлган масжид ислом оламида қадрланиб келинган. Ушбу масжидда намоз ўқиган кишиларнинг муроди ҳосил бўлган².

Самарқанд шаҳридаги муқаддас қадамжолардан бири Чокардиза қабристонидир. Тиканли баланд жой деган маънони билдирувчи ушбу қабристонда ўз замонасининг кўплаб олимлари, азиз кишилари дафн этилган. Ноилож қолган кишилар ушбу жойни зиёрат қилиб ўзлари учун мадад тилаганлар. Чокардиза қабристонига Мавлоно Шамсуддин Бирёнгардиш,

¹ Абу Ҳафс Насафий. Қандия. Ёхуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд . – Т.: Минҳож, 2005. - Б. 7.

² Ўша манба. – Б. 8.

Мавлоно Мансур Зоҳид, Хожа Рашид Рўшноий, Хожа Дудкаш сингари улуғ зотлар даф этилган¹.

Абу Ҳафс Насафийнинг асарида Хожа Абдулмансур Мотуридий ҳамшу ерда дафн этилганлиги кўрсатиб ўтилади, шу билан бирга Мадина ва Маккадаги қабристонлардан сўнг бундан улуғ қабристони йўқ деб кўрсатилади.

Ушбу асарда мусулмон оламида жуда улуғланадиган «Ҳидоя»нинг муаллифи Бурҳониддин Маарғинонийнинг мақбараси ҳамшу ерда жойлашган деб кўрсатилади.

Самарқанд шаҳридаги муқаддас зиёратгоҳлардан бири «Жавзанийлар мазори»дир, ушбу мазор яқинидаги саройдаги ажойиб хусусиятлардан бири, бу ерда илмлар таҳсили билан машғул бўлса, унинг илмидан бутун олам равақ топади, шунинг учун ҳам бу жойни Мовароуннаҳр Каъбаси деб аташган.

Ушбу қабристонда қаромат соҳибларидан Имом Сулаймон Дарнинг қабри мавжуддир, бу инсон Аллоҳ авлиёларидан деб тан олинган. Манбаларда ҳар бир хожадманд бу манзилга келиб ўз ҳолатини тиласа, мақсадига етади деб кўрсатилади.

Самарқанд шаҳри жанубида жойлашган зиёратгоҳлардан бири Хожа Аҳмад Жунайдий мақбараси эканлиги. Абу Ҳафс Насафий асарларида кўрсатиб ўтилган. Ушбу асарда бу қабристонда Шайхулислам Абу Наср Аҳмад ибн Мусо Хўжандийнинг мунаввар қабрлари ҳам у билан бирга тасаввуф таълимоти асосчиларидан бири Хожа Юсуф Ҳамадоний қабри жойлашганлиги ҳақида маълумотлар берилади².

Ушбу зиёратгоҳ ҳам собиқ совет тузуми даврида қаровсиз қолиб кетган эди, мустақиллик туфайли ушбу зиёратгоҳга бўлган эътибор кучайди.

Самарқанддаги ислом зиёратгоҳларини ўрганиш доимо катта эътиборда бўлиб келган. Абу Ҳафс Насафийнинг асарида шундай зиёратгоҳлардан бири

¹ Абу Ҳафс Насафий. Қандия. Ёҳуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд . – Т.: Минҳож, 2005. - Б. 8-9.

² Ўша манба. - Б. 9-10.

Новдон чашмаси ҳақида маълумот берилади. Манбаларда билдирилишича, ушбу чашма яқинда ўз даврининг азиз кишиларидан ҳисобланган Шайх Нуриддин Басирнинг қабри мавжуддир. Бу инсон ғоят улуғ, каромат соҳиби бўлиб, жуда ката ҳурматга эга бўлганлар ва жами зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаганлар. Ўша даврлардаги барча улуғлар Шайх Нуриддиннинг ҳузурида тўпланишиб, баҳс мунозаралар, суҳбатлар ўтказиб турганлар¹.

Шайх Нуриддин ёшлигида ўша даврларнинг энг машҳур кишиси Шайхи Оламиён Шайх Зайнуддин Қўйи Орифхон тарбиясини олган. Шайх Нуриддин зотни Шайхи Шайх Занйуддин қўлида таҳсил олаётган муридлар орасида энг зехнлиси бўлиб, у ўз устози томонидан берилаётган саволларга бошқаларга қараганда тўлиқ ва аниқ жавоблар бериб келган.

Шайх Нуриддиннинг Самарқанд шаҳрига кўчиб келиши ва бу шаҳарда яшаб қолганлиги тўғрисида кўплаб риқоятлар бўлиб, бу ривоятлардан бири қанчаси Абу Ҳафс Насафийнинг асарида келтириб ўтилади.

Ушбу китобда билидирилишича бу тарихий шахснинг Самарқанд шаҳрига келаётганлиги, кечқурун барча Самарқандликларнинг тушига кириб чиқади.

Самарқанд аҳли уйқудан уйғониши билан кўрган тушларини муҳокама этадилар ва барчалари Шайх Нуриддин Басирни кутб олишга чиқади.

Шайх Нуриддин Басира Самарқанд шаҳрида яшар эканлар, шаҳар аҳлига қўлдан келган барча ёрдамларни бердилар ҳамда шаҳар халқини ҳурматига эришдилар².

Шайх Нуриддин Басра вафот этгандан, улар дафн этилган жой одамлар учун зиёратгоҳга айланди. Бу инсоннинг бутун ҳаёти бошқаларга намуна бўлиб келди.

¹ Абу Ҳафс Насафий. Қандия. Ёхуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд . – Т.: Минҳож., 2005. - Б. 49.

² Ўша манба. - Б. 53.

Самарқанд шаҳридаги зиёратгоҳлардан бири Самарқанд Шовдори мазоридир. Ушбу қабристонда Шовдор, Машҳад хўжа, Хожа Абдулқосим Табризий сингари ўз замонасининг машҳур кишилари дафн этилган.

Абу Ҳафс Насафийнинг асарида ёзилишича, юз ўттиз йил умр кўрган Шайх АбулҲасан Ҳусайний ушбу қабристонга дафн қилинганда қабристондаги илонлар ва бошқа зарарли ҳашоратлар ўша гўристондан чиқиб қочган эканлар¹.

Манбаларда Самарқанддаги кўплаб зиёратгоҳлар, азиз кишилар дафн этилган жойлар ҳақида маълумотлар берилади.

Жумладан, Шайх Аҳмад Раванда қабри Фароҳинда, Хожа Иброҳим Кадунинг қабри Каду қишлоғида, имом Яҳудий қабри Ядух қишлоғида, Абу Ҳамид Рўзбара мазори Дузирида, Хожа Дакдак қабри Шовдорнинг Асбакат қишлоғида, Хожа Закариё Боғнинг мазори Боғ қишлоғида, _азрати Шайх Аркатнинг қабри Сангин қишлоғида жойлашган ва бу жойлар одамлар учун азиз зиёратгоҳлар ҳисобланган².

Собиқ совет тузуми даврида динга бўлган ноўрин муносабатлар натижасида кўплаб зиёратгоҳлар қаровсиз ҳолга тушиб қолган эди.

Мустақиллик йилларида диний қадриятларни тиклашга ката эътиборнинг берилиши натижасида Самарқандда жойлашган. _озийлар работи, Азизлар қабристони, Жавзанийлар мазори, Чокардиза қабристони, Хожа Аҳмад Жунайдий мақбараси, _отфари сарипул мазори, Хожа Абди Дарун мазори, Хожа Абди Берун зиёратгоҳи, Чақар мазори, Шохи Зинда мажмуаси, Самарқанд шовдори мазорлари, Сўғди Калон мазорлари, Рухобод мақбараси, Оқсарой мақбараси, Хожа Дониёр мақбараси сингари зиёратгоҳлар ободонлаштирилиб уларни таъмирлашга катта аҳамият бериб келинмоқда.

¹ Абу Ҳафс Насафий. Қандия. Ёхуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд . – Т.: Минҳож, 2005. - 84-бет.

² Ўша асар. - Б. 85.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги зиёратгоҳларни ўрганиш имкониятларини очиб берилиши, тарихий ҳақиқатни тўғри англаб олишга яратиб берилган имкониятдир. Мустақиллик туфайли муқаддас қадамжойларни, зиёратгоҳларни таъмирлаш ва ободонлаштириш шарт-шароитлари яратиб берилди.

Абу Тохиржон Самарқандийнинг “Самария” (Самарқанд мазорлари зикри), Абу Ҳафс Насафийнинг “Қандия ёхуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд” асарларида Самарқанд шаҳрида мавжуд бўлган кўплаб мазорлар, зиёратгоҳлар ҳақида маълумотлар берилади. Ушбу тарихий манбаларда Самарқанд шаҳридаги ўттиз тўққизта, Самарқанд атрофидаги қирик саккизта муқаддас жойлар, мазорлар ва зиёратгоҳларга тавсиф берилади.

Ушбу манбаларни ўрганиб борилиши ўтмишимиз, тарихимиз, зиёратгоҳлар ҳақидаги тасаввурларимизни янада бой бўлишига хизмат қилади.

2-БОБ. ШОҲИ-ЗИНДА МАЖМУАСИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ МАДАНИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ

2.1. Ўзбекистонда тарихий ва диний обидаларга бўлган эътибор

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, тарихий ва диний обидаларга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Қарамлик йилларида халқимиз учун қадрият ҳисобланган ва тарихий аҳамиятга эга бўлган обидаларга нисбатан салбий муносабатда бўлинган эди. Асрлар мобайнида минтақа халқлари учун муқаддас жойлар оёқости қилинди, бундай жойларни зиёрат қилиш ман этилган эди.

Жамият аъзоларининг атеистик руҳба тарбиялаб бориш давлат сиёсатига айланган эди. Одамлар учун зиёратгоҳ ҳисобланган кўплаб жойлар атеистлар уйларига айлантирилган эди. Собиқ совет тузуми даврида жамият аъзоларида динга нисбатан салбий фикрларни туғдириш учун барча омиллардан ва имкониятлардан фойдаландилар.

Одамлар аجدодлари асрлар мобайнида зиёрат қилиб келган муқаддас жойлар ҳақида маълумот олишга ҳаракат қилганлар, лекин ҳақиқатдан йироқ бўлган жавобларни олганлар.

Жумладан, 1989 йилда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Ислом кеча ва бугун” номли китобда ислом дини, дин билан боғлиқ бўлган урф-одатлар, зиёратгоҳлар ҳақида кўплаб ўша даврлар манфаати учун хизмат қиладиган фикрлар билдириб ўтилган¹.

Ёшлар билан ўтказилган учрашувларда “Муқаддас жойларнинг сиринимада?”, “Муқаддас жойлар қачон ва кимлар томонидан барпо этилган” деган саволларга, бундай муқаддас жойлар Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ва қўшни Республикаларда борлиги, улар ўтмишда бўлгани сингари бугунги кунда ҳам кўплаб диндорларни ва баъзи ёшларни ўзига жалб қилиб келмоқда дейилади. Одамлар тасаввурини тубдан ўзгартириб юбориш

¹ Тошлонов Т. Ислом кеча ва бугун. – Т.: Ўзбекистон, 1989. – Б.4-5.

мақсадида “Муқаддас жойларнинг” пайдо бўлиши иккита сабабга боғлиқ деб кўрсатилади. Биринчидан, диндор кишиларнинг ўта даражада соддалиги оқибатида ҳар хил гапларга ва ривоятларга ишониши, иккинчи томондан, ҳаётда ханузгача енгил ҳаёт кечириш пайига тушган шайх, чала муллаларнинг учраб туришидир. Улар томонидан ўйлаб чиқарилган ҳар хил уйдирмалар азалдан халқ ўртасида кенг тарқалиб келган¹.

Собиқ совет тузуми даврида Самарқанднинг эски шаҳар қисмидаги “Биби мушкул кушод” деган муқаддас жой ҳақида ҳам нотўғри маълумотлар берилган. Совет тузуми даврида бу муқаддас жой ислом дини пайдо бўлгунга қадар ҳам мавжуд эди, ана шу “қудратли хурофот ишонч зардуштийлик динига, сўнгра ундан ислом динига ибтидоий жамоа даврининг диний сарқити сифатида кириб келди ва мусулмон халқлари орасида “Биби мушкул кушод”, яъни кишини ҳар қандай мушкулдан “халос қилувчи она” образида ўрин топди деб ўрганиб келинган. Собиқ совет тузуми мафкураси бу муқаддас жойни янада ёмонлаб кўрсатиш мақсадида, бу жойлар аёллар ўртасида кенг тарқалган хурофий удум, бу жойда текин пул топишга муккасидан кетган шайхлар бир неча йиллардан бери содда одамларни алдаб, уларнинг мияларини бўлмағур афсоналар билан чалғитиб келмоқдалар, деб ёритиб келган. Собиқ совет тузумининг садоқатга хизматкори бўлган атеистлар асрлар мобайнида одамлар томонидан зиёрат қилиб келинган муқаддас жойларни текинхўрлар жойлашиб олган жойлар деб ўргатиб келишган. Бундай мафкурачилар ҳозирги вақтда ислом дини жонкуярлари эълон қилишларига вафот этган хўжа, имом, шайх каби кишиларнинг жонлари бу дунёда одамларнинг тақдирига ва соғлигига таъсир қилиши мумкин, шунинг учун халқ уларнинг қабрларини яхши сақлашлари, бу ерда уя қуриб олган шайхларга назр-ниёз бериб туришлари зарур этиш деган нотўғри гапларни кенг халқ оммасига тушунтириб келганлар².

¹ Тошлонов Т. Ислом кеча ва бугун. – Т.: Ўзбекистон, 1989. - Б. 57-58.

² Ўша асар. - Б. 60.

Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ислом динини ёмонлаша бўлган ҳаракатларга чек қўйиш имкониятларини яратиб берди.

Мустақиллик шарофати билан диний қадриятлар қайта тикланиб, инсон тарбиясида ислом динининг тутган ўрнини тўғри ўрганиш имкониятлари яратиб берилди.

Мукаддас зиёратгоҳлар қайтадан тиклаб, улар янада ободонлаштирилди.

Президент И.А.Каримов ташаббуси билан диний қадриятлар тикланиб кўплаб зиёратгоҳларнинг эшиклари минглаб зиёратчилар учун очиб берилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- 2008 йил 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида хорижлик ва маҳаллий уламолар, олимлар ва кенг жамоатчилик иштирокида “Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро конференция: 13-14-ноябрь кунлари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида “Ўзбекистон – ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти” мавзусида анжуман ташкил этилди.

- 1993 йил сентябрь ойида Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги нишонланди.

- 1995 йил ноябрь ойида Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг ислом 850 йиллиги нишонланди.

- 1998 йил октябрь ойида Имом ал-Бухорийнинг ҳижрий тақвим бўйича 1225 йиллиги нишонланди.

- 2000 йил ноябрь ойида Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллиги ва Бурхониддин ал-Марғинонийнинг 910 йиллиги нишонланди.

- 2003 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 60 йиллиги нишонланди.

- 2004 йил декабрь ойида Ҳожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги нишонланди.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг махсус фармони билан Қурбон ва Рамазон ҳайитларининг биринчи кунлари дам олиш кунлари деб эълон қилинди.

- 1992 йил 2 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

- 2003 йил 22 август куни Вазирлар Маҳкамасининг “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди.

- 2003 йил 17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

- 2004 йил 27 май куни Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

- 2006 йил 28 август куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Шоҳи-Зинда ёдгорлик мажмуасида қата тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди.

- 2007 йил 8 июнь куни Вазирлар Маҳкамасининг “Устай Масҳафи”ни талаб даражасида сақлашни таъминлаш тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди.

- 2008 йил 23 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Бухорий халқаро марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

- 2008 йил 7 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

- 2007 йилда Тошкент шаҳрининг “Ҳастимом” даҳасида қисқа муддатда “Ҳазрати имом” масжиди, “Бароқхон” мадрасаси, “Мўйи муборак” зиёратгоҳи, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг янги биноси ва бошқа масканларни ўз ичига олган янги мажмуа қуриб тиказилди.

- 2004 йил 22-23 март кунлари Франциянинг Париж шаҳрида “Ўзбекистон ва Францияда диний бағрикенглик” ва “Ўзбекистон ва Франция халқаро муносабатлар тизимида” мавзуларида халқаро конференциялар ўтказилди. Унда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ислом динига бўлган эътибор тубдан ўзгарганлиги таъкидлаб ўтилди.

- 2004 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон мусулмонлар идорасида Республика кўзи ожизлар жамияти билан ҳамкорликда тайёрланган Брайл ёзувидаги Қуръони карим китоби тақдирот маросими бўлиб ўтди¹.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда диний ҳаёт тобора ўзгариб бормоқда.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи ижтимоий ҳаётда доим муҳим ва мураккаб масала бўлиб келган. Бинобарин, унинг замирида шахснинг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар ётади. Виждон эркинлиги кишиларнинг руҳий оламига, унинг соғлом ва баркамоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис бу масаланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва бажарадиган вазифалари ғоят муҳим. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставидан тортиб барча халқаро ҳужжат ва шартномаларида, ҳамма мамлакатларнинг конституция ва қонунларида виждон эркинлиги ўз ифодасини топган. 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясига мувофиқ, ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ўз дини ёки эътиқодига ўзича, шунингдек, бошқалар билан биргаликда амал қилиш кафолатини, ибодат қилишда ва диний маросимларда

¹ Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 75-78.

якка тартибда ёки одамлар орасида бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади¹.

Бундан ташқари, бу масала яна бир мураккаб ҳодиса – турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланишини ҳам назарда тутди. Зеро, одамлар доим турли дунёқараш ва эътиқод билан яшаганлар ва яшайдилар. Ҳар кимнинг ўз ички дунёси, ўз эътиқоди бўлади.

Виждон эркинлиги қандайдир бир мавҳум тушунча эмас, у маълум ижтимоий вазиятда, албатта, намоён бўлади. Шунинг учун уни конкрет тарихий, ижтимоий шароитсиз, объектив ва субъектив омилларсиз тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари, “виждон эркинлиги” тушунчасини илмий талқин қилишда миллий, мафкуравий ва маданий омилларни ҳам, албатта, назарда тутиш керак.

Шу жиҳатдан, 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ҳар бир фуқаро виждон эркинлиги ҳуқуқининг кафолатланиши табиий ҳолдир. Яна бир муҳим томони – кейинги йилларда давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда салмоқли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Диннинг жамиятдаги ўрни тикланмоқда. Диний уюшма ва ташкилотларнинг фаолият кўрсатишларига имконият яратилмоқда. Қатор тарихий обидалар диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказилди, янги масжидлар кун сайин кенгайиб бормоқда².

Мустақиллик йилларида виждон эркинлиги тамойилларини тиклаш ва унга оғишмай амал қилиш давр, кундалик ҳаёт талаби ва заруриятига айланиб қолди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни қабул

¹ Мўминов А., Йўлдошев Х. Диншунослик. – Т.: Меҳнат, 2004. - Б. 245.

² Ўша китоб. - Б. 246.

қилди. 1998 йилда бу Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниб, 15 май куни матбуотда эълон қилинди ва шун кундан эътиборан кучга кирди.

Мазкур қонун 23 моддадан иборатю Унинг 1-моддасида ушбу Қонуннинг мақсади нималардан иборат эканлиги очиқ ва равшан баён этилган: “Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат”.

Қонуннинг 3-моддаси виждон эркинлиги ҳуқуқи ҳақида бўлиб, унда ҳар бир фуқаро динга муносабатини ўзи мустақил аниқлаши, у ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги ва бу ҳуқуқдан эса Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан кафолатланажаги таъкидланди.

4-моддада фуқароларнинг динга муносабатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги ҳақида сўз боради. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўймаслиги таъкидланади.

Шунингдек, мазкур моддада давлат турли диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлаши, конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга, хусусан, бир диний конфессиядаги диндорни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатларга, миссионерликка йўл қўймаслиги таъкидланган.

Диний ташкилотларга Ўзбекистон Республикасида диний характерга эга бўлган партиялар тузиш, республикадан ташқаридаги диний партияларнинг бўлиб ёки филиалларини очиш ман этилади¹.

Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда

¹ Мўминов А., Йўлдошев Х. Диншунослик. – Т.: Меҳнат, 2004. - Б. 246.

фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг бундай фаолиятлари таъқиқланади.

Фуқаролар динга бўлган муносабатларидан қатъи назар, таълимнинг хилма-хил турлари ва даражаларини эгаллаши мумкин. Қонуннинг 9-моддасида кўрсатилишича, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийларни ва ўзларига зарур бўлган диний ходимларни тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузиша ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади¹.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний таълим берувчилар махсус диний маълумоти бор кишилар бўлиб, болаларни ўқитиш учун диний бошқарманинг ёки марказнинг рухсатномасига эга бўлиши керак. Хусусий диний таълим беришга йўл қўйилмайди. Бу қонун-қоидаларни бузганлар қонун олдида жавобгардирлар.

Диний ташкилотлар диний таълим олиш учун фуқароларни чет элга юборишлари ва чет эл фуқароларини таълим олиш учун қабул қилишлари мумкин.

Диний ташкилот – бу маълум динга ишонувчилар ва уларнинг жамоаларининг уюшмасидир (масжид, черков, синагога, диний ўқув юртлари ва ҳ.к.). Уни ташкил этиш учун унга бир хил эътиқодга эга бўлган камида 100 киши аъзо бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай фуқароси 18 ёшга тўлганидан кейин маълум диний жамиятга аъзо бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз мулкларига эга бўладилар. Бинобарин, дин билан боғлиқ буюмлар, ишлаб чиқариш ва хайрия ишларига мўлжалланган

¹ Мўминов А., Йўлдошев Х. Диншунослик. – Т.: Меҳнат, 2004. - Б. 247.

иншоотлар, пул маблағлари ҳамда диний ташкилотлар фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол-мулк диний ташкилотларнинг мулки ҳисобланади. Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мулки хайриялардан, шунингдек, фуқаролардан тушган маблағлардан чекланиши мумкин.

Диний ташкилотлар фуқароларни ишга олишга ҳақлидирлар. Улар, давлат, жамоат корхоналари ва ташкилотларининг ишчи-хизматчилари билан барабар солиқ тўлайдилар. Ижтимоий таъминланиш ва суғурта қилиш хизматларидан фойдаланадилар. Умумий асосда нафақа олиш ҳуқуқига эгалар.

Қонуннинг охириги 23-моддасида “Қиждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни бузган кишилар қонун олдида жавоб беришлари кўрсатилган¹.

Конституцияда ҳурфикрлилик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган. Унда диннинг тарбиявий ролига янада кўпроқ эътибор берилиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Унинг ҳудудда 15 та диний конфессия вакиллари истиқомат қиладилар. Юқоридаги қонунда келтирилганидек, улар Конституция олдида ҳуқуқ ва мажбурият юзасидан тенгдирлар Конституциянинг 12-моддасида таъкидланишича, ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Шунга кўра ҳеч қандай конфессия бошқаларидан устун деб қаралиши ёки уларга ўз таъсирини ўтказишга интилиши мумкин эмас.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йиллардан бошлаб, тарихий ва диний обидаларга катта диққат эътибор қаратиб келинмоқда. Мустақиллик муқаддас ислом динига, ислом зиёратгоҳларига бўлаётган ҳар қандай тажовузларга чек қўйди. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда асрлар

¹ Мўминов А., Йўлдошев Х. Диншунослик. – Т.: Меҳнат., 2004. - Б. 248-249.

давомида аجدодларимиз томонидан авайлаб асраб келинган муқаддас жойлар яна ўзининг асл ҳолига қайта бошлади.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон ҳудудидаги жуда кўплаб зиёратгоҳлар қайта таъмирланиб янада ободонлаштирилди. Ўзбекистонда ва бошқа катор давлатларда мамлакатимизда ислом динига, диний қадриятларга, зиёратгоҳларга бўлаётган ижобий муносабатлар кенг ўрганиб борилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тарихий ва диний обидаларга бошқаларга намуна бўладиган даражадаги эътибор қаратиб келинмоқда.

Мамлакатимизда тарихий ва диний обидаларни тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар жаҳон ҳамжамияти томонидан кузатилиб, маъқулланиб борилмоқда.

2.2. Шоҳи-Зинда ва унинг тарихий, диний аҳамияти

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг энг муҳим жиҳатларидан бири халқимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қадриятларни тиклаш имкониятларини яратилиши бўлди.

Ислом дини Ўрта Осиё халқлари учун асрлар мобайнида иймон ва эътиқодга айланиб келди ва жамият ҳаётини юксалтиришга инсонларни маънавий жиҳатдан баркамоллашиб боришига, комил инсонларни вояга етказишга хизмат қилиб келди.

Мустақилликнинг дастлабки йилариданоқ Президент И.А.Каримов ташаббуси билан дин билан боғлиқ бўлган урф-одатлар, удумлар ҳаётга қайтарилди, кўплаб тарихий шахсларнинг қадрияти тикланди, асрлар мобайнида одамлар томонидан зиёрат қилиб келинган зиёратгоҳлар таъмирланиб, ободонлаштирилди. Бундай савоб ишлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Мустақиллик туфайли қайта таъмирланган ва зиёратчилар учун қайта очилган зиёратгоҳлардан бири Шоҳи-Зинда ёдгорлик мажмуасидир.

Президент ташаббуси билан 2004 йилнинг 16-июл куни Вазирлар Маҳкамасининг “Шоҳи-Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди¹.

Қабул қилинган ушбу қарорни ижросини таъминлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келаётган сайёҳлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётган ушбу мажмуа катта тарихий диний аҳамиятга эгадир.

Ушбу мажмуанинг тарихий аҳамияти шундаки, у Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихи ўзида акс эттирган ушбу мажмуа ўрта асрлар даврининг ўзига хос бўлган намунасидир.

Тарихий манбаларга қараганда кўплаб зиёратчилар учун муқаддас бўлган ушбу хилхона Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси, Самарқанд истилоси даврида ўлдирилган Қусам ибн Аббоснинг маҳаллий аҳоли томонидан муқаддаслаштирилган тахминий қабри атрофида ХІ асрда бунёд этилган. Лекин бу ҳақида хабар берган ёзма манбаларда пайғамбар авлодининг ҳалок бўлган жойи Самарқанд ёки Марв деб кўрсатилган².

Халқ оғзаки ижоди асрлар мобайнида бу тарихий воқеълик ҳақида афсоналар яратган. Афсонада айтилишича, Қусам ибн Аббос кўшини намоз пайтида кофирлар томонидан қириб ташланган, унинг ўз Оллоҳнинг иродаси билан очилган меҳроб ичига кириб омон қолган. Афсонанинг иккинчи талқини бўйича, эса Қусам ибн Аббос ўлдирилган, лекин мўъжиза юз бериб, у қайта тирилган, ер остига тушиб кетган ва у ерда абадий яшаб қолган. Шунда хилхона Шоҳи-Зинда – “Тарик шох” номини олган.

Шоҳи-Зинда мажмуаси Улуғбек даврида қурилган улуғвор кириш равоқи билан бошланадию У зиёратчиларга жануб томондан, Самарқанд шаҳрига кириш имкониятини яратган. Равоқ қудратли подевор устига мустақил меъморий иншоот сифатида қурилган.

¹ Мустақиллик биз учун ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 77.

² Шоҳи-Зинда. - Т.: Фан, 2007. - Б. 2.

Кириш равоқи остига саккиз бурчакли, усти ўткир вуббали гумбаз билан ёпилган зиёратхона жойлашган.

Зиёратхонанинг очик декарацияси, ҳашамати камтарона фақат равоқ ва унинг пастки қисми рангдор ғишчалардан тузилган мозаика ва нақшлар билан безатилган. Бино ўзининг меъморий лойиҳаси билан ҳам катта тарихий аҳамиятга эгадир.

Равоқ пештоқида “Ушбу маҳоботли иморат Амир Темур Курагон ўғли Шохрух, унинг ўғли Улуғбек Курагон, унинг ўғли Абдулазиз Баходир томонидан ҳижрий 838 йилда (1434-1435) қурилди” деб ёзилган. Ҳақиқатда эса иморат ёш шахзода томонидан эмас, унинг бунёдкор отаси, ўз ўғлини буюк аждоди каторида кўришни истаган Улуғбек томонидан амалга оширилган¹.

Кейинги йилларда Шоҳи-Зинда мажмуаси бир қатор янги қурилишлар билан тўлдирилди. Зиёратгоҳнинг чап томонидан уч куббали гумбаз билан ёпилган масжидга эшик очилган. Чапда бир гуруҳ хужралар жойлашган ва уларга Самарқанд ҳокими Муҳаммад Давлат Қушбеги ҳомийлигида 1813 йилда қурилган кичик мадраса тутшиб кетган. Мадрасанинг рўпарасида томи текис ёпилган тўсинларига рангдор нақшлар туширилган айвон типигаги ёзги масжид Самарқандлик бинокор уста Уста Содик томонидан қурилган.

Ушбу иморатлар ортида аجدодларимиз маҳоратини ўзида акс эттирган маҳобатли бинолар манзараси намоён бўлади.

Шоҳи-Зинда нинг марказий йўлаги шаҳарнинг ўрта асрларга оид емирилган деворига тақалган юқори поғонали зинапоя орқали чиқилган. Зинапоянинг қурилиши XIX асрларда амалга оширилган, лекин XIV асрдан бошлаб жанубий ён бағирдаги майдончалар ва тирговичли деворлар қурилган².

¹ Шоҳи-Зинда. - Т.: Фан, 2007. - Б. 4.

² Ўша асар. - Б. 6.

Шоҳи-Зинда мажмуасида мунтазам равишда кенгайтириш ва таъмирлаш ишлари олиб борилган, емирилган девор пишган ғишлардан кўтарилган тирговичли девор билан мустаҳкамланган. Ушбу девор усти ҳам гулдор кошинлар билан қопланиб, унинг кўриниши атрофдаги бинолар манзарасига уйғунлаштирилган. Тирговичли деворлар ортида кенг терраса мавжуд бўлиб, у зинапоянинг ўнг томонида, икки гумбазли мақбара олдида жойлашган.

Шоҳи-Зинда мажмуасининг тарихий аҳамияти шундаки бу ерда жойлашган бинолар Ўрта Осиёнинг қатор шахрларида барпо этилган биноларга ўхшаб кетади, бу ўша даврларда меъморчилик ишларида турли ҳудудлардан келган усталар қатнашганлигидан далолат беради.

Шоҳи-Зинда икки гумбазли мақбара ҳам XV асрда қурилган бўлиб, у иккита туташ бино – гўрхона ва зиёратхонадан иборат. Ушбу мақбара нафақат Шоҳи-Зинда мажмуасида балки бутун Самарқанд шаҳри меъморий обидалари орасида ажралиб туради¹.

Зиёратгоҳга аланган ушбу мақбаранинг ичи ёруғ бўлиб, мавжуд бўлган тўртта дарча орқали ёруғ тушиб туради. Мақбарада ишлатилган нақшлар XV асрнинг биринчи ярмида кенг қўлланилган нақшларга хосдир. Яқингача бу иморат Улуғбекнинг устози маўҳур астроном Мавлоно Қозизода Румийнинг мақбараси сифатида эътироф этилган. Лекин 1977 йилда ўтказилган археологик текширувлар мақбарада хотин киши дафн этилганлигини кўрсатди².

Кўтарма зинапоя орқали ўртадаги, иккинчи чортоққа, янада кейинги даврларда бунёд этилган иморатлар мажмуасига чиқилган. Шоҳи-Зинда мажмуасининг ўрта қисмида жойлашган бешта даҳма, асосий мақбаралар гуруҳи мавжуддир. Булар бир-бирига нисбатан ихчам жойлашган Шоди-Мулк, Амирзода, Амир Ҳусайн Туғлу-текин ўғли, Ширинбека-оқа ва “Саккиз бурчакли” номсиз мақбаралардир³.

¹ Шоҳи-Зинда. - Т.: Фан, 2007. - Б. 8.

² Ўша асар. - Б. 10.

³ Шу жойда. - Б. 10.

Шоди-Мулк мақбараси Амир Темурнинг бевақт вафот этган синглиси шарафига қурилган. Бу ерда жойлашган Ширинбека-оқа мақбараси ҳам жуда ҳашаматли қилиб ишланган. Ушбу мақбара 1360-1367 йилларда қурилган. Ҳожа Аҳмад ва номсиз мақбараларнинг меъморий ва декоратив усуллари ўртасида ўхшашликлар бор.

Шоҳи-Зинда мажмуасида ишлатилган безаклар минтақа халқлари тарихини ўргатадиган манбалардир. Ушбу зиёратгоҳда жойлашган Шоди-Мулк мақбараси билан Амирзода ва Туғлу-текин ўғли Амир Ҳусайн мақбаралари ўхшашдир.

XV асрнинг биринчи ярмида айлана шаклида, арксимон эшиклари ва гумбази бўлган, унча катта бўлмаган саккиз бурчакли мақбара қурилган. Вақт ўтиб мақбаранинг гумбази қулаб тушган ва бизнинг давримизда бинонинг барча ўлчамларига мутаносиб равишда у қайта қурилган. Саккиз бурчакли мақбара XV асрнинг ўрталарида, яъни Улуғбек ҳукмдорлиги даврида бунёд этилган.

Ўтиб бораётган вақт ва суронли воқеалар ушбу мажмуадаги, хусусан Қусам ибн Аббос мажмуасига туташ XII асрдан қабристон сифатида фойдаланилган ҳудуддаги обидаларга ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Юз йиллар мобайнида Шоҳи-Зинда мажмуасидаги бинолар кенгайтирилиб, таъмирланиб борилган. Илмий тадқиқотлар жараёнида бир қатор мақбараларнинг тағхоналаридан – гўрхоналар очилган. Мажмуадаги йўлакнинг чап томонидан XIV-XV асрларда бунёд этилган мақбаралар жойлашган. Бу жойда 2-сонли номсиз мақбара бўлиб, у юқоридаги бошқа мақбараларга ўхшайди. Бу мақбара уни безаган ва ўз номини ёзиб қолдирган уста Алим Насафий номи билан машҳурдир¹.

Мажмуадаги 1-сонли номсиз мақбара рўпарасида иккита мақбара жойлашган. Меъморий ечимлари ва қурилиш усуллари бўйича мақбаралар XIV асрнинг иккинчи ярмига хос.

¹ Шоҳи-Зинда. - Т.: Фан, 2007. - Б. 18.

Мажмуадаги 2-сонли мақбара ёнида XIV-XV аср мақбаралари жойлашган. Улар орасида 1380 йилларда қурилган Амир Темурнинг лашкарбошиси Амир Бурундук мақбараси ажралиб туради. Мақбара ўша даврларнинг барча талаблари даражасида қурилган¹.

X асрнинг охири XI аср бошларида ўрта асрлар Самарқанднинг ушбу жанубий қисмида меъморал мажмуалар қурила бошлаган. Бу даврга оид энг қадимги бино X-XI аср чегараларида қурилган масжиддир. Масжиднинг ғарбий девори орқали тошлар билан қопланган йўлга чиқилган ва бу йўл Шоҳи-Зинда мажмуасининг марказий йўлаги бўйлаб кетган.

Кейинги даврларда Самарқандлик уламолар ташаббуси билан бу ерда Қусам ибн Аббоснинг тахминий қабри тепасида мақбара бунёд этилган. Ушбу мақбара бир неча марта қайта қурилганлиги сабабли ўзининг дастлабки кўринишини йўқотган. Бу мақбара икки қисмдан – гўрхона ва зиёратчилар учун қурилган хонадондан иборат. Мозорнинг илк кўринишининг қанчалик ўзгарганлигини XIV асрда Самарқандда бўлган араб сайёҳи ибн Батута маълумотларидан ҳам билиш мумкин. У шундай фикрларни ёзиб қолдирган “ ... мозор устига тўрт бурчакли, гумбазли иморат қурилган, ҳар бурчакка қизил, оқ, қора, зангори мармар устунлар ўрнатилган. Иморатнинг томи кўрғошиндан, деворлари рангли мармардан, нақшлари тиллодан қилинган. Сағана қимматбаҳо тошлар билан безатилган, бурчаклари кумушдан қопланган қора ёғоч билан ёпилган”².

Вақт ўтиб мақбаанинг кўриниши ўзгарган. Деворларда олтин суви юритилган нақшлар сақланиб қолган. Хонанинг ичида зарҳал нақшлар ва ёзувлар билан безатилган уч қисмли қабр тоши мавжуд. Қабр тоши XIV асрнинг иккинчи ярмида қимматбаҳо тошлар билан безатилган.

1334 йилда зиёратхона янгидан таъмирланган. Буйилларда у қайтадан қурилган деган тахминлар ҳам бор. Зиёратхона деворларининг паст қисми мовий, юқори қисми тўрт рангдаги кошинлар билан қопланган. Хона

¹ Шоҳи-Зинда. - Т.: Фан, 2007. – Б. 20.

² Ўша асар. - Б. 20.

анъанавий гумбаз билан қопланган, гумбаз саккиз бурчакли тағ асос устига ўрнатилган.

Шоҳи-Зинда мажмуасидаги энг катта ва жиддий қайта қуришлар XV асрда амалга оширилган. Бу даврда уч гумбазли масжид – қироатхона, чорток ва у орқали кириш йўлаги қурилган. Ушбу қайта қуришлар сабабли мажмуанинг дастлабки кўриниши тўсилган ва обида янгича кўринишга эга бўлган. XX асрнинг иккинчи ярмида ўтказилган таъмирлаш ишлари пайтида X-XI асрларга тааллуқли минора қолдиғи топилган. Ҳажм жиҳатдан улкан, юксак савияда безатилган ушбу иморат Самарқанднинг қорахоний ҳукмдори Тамғоч Буғрохон Иброҳим бин Наср томонидан XI аср ўрталарида муқаддас мозор атрофида қурилган мадраса сифатида эътироф этилган.

Шоҳи-Зинда нинг дастлабки қурилган иморатлари орасида даврлар силсиласи, мўғул истилоси ва бошқа офатлардан фақат Қусам ибн Аббос даҳмаси омон қолган. Бошқа барча қурилишлар – масжид, мадраса каби қатор иморатлар бугунги кунга қадар етиб келолмаган.

Мажмуадаги учинчи чортов ортида сўнгги гуруҳ иморатлари учта мақбара жойлашган. Марказий йўлакнинг бошида таниқли уламо Ҳожи Аҳмад мақбараси, чапда масжид – қироатхона ва Амир Темурнинг хотини Туман – оқа мақбараси жойлашган.

Ҳожи-Аҳмад мақбараси ўзининг қурилиш усули билан 1360-1361 йилларда қурилган номсиз мақбарага ўхшайди.

Қурилишни бажарган уста ўз номини “Фахр Али иши” тарзида бадийлаштирган¹.

Масжид – қироатхона ва Туман оқа мақбараси XV асрнинг бошида бунёд этилган. Ўша даврда мақбаранинг икки табақали эшиги орқали муқаддас зиёратхонага чиқилган. Бинодаги ёзувага асосан иморат уста Юсуф Шерозий томонидан 1404-1405 йилларда қуриб битказилган. Туман – оқа мақбараси кўркам, баланд мовий гумбазга эга. Иморатнинг равоғи ўз даврининг руҳидан келиб чиққан ҳолда бой нақшлар билан.

¹ Шоҳи-Зинда. - Т.: Фан, 2007. - Б. 27.

Туман – оқа мақбараси ва масжиди ўзининг ҳажми, қурилиш усули билан қолган мақбаралардан фарқ қилади.

Ҳожа Аҳмад ва 1360-1361 йилларда қурилган мақбараларда мўғуллар истилосига қадар Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган меъморчилик белгилари сақланиб қолган.

Туман – оқа мақбараси меъморчиликнинг янги мактаби маҳсули бўлиб, унинг қурилиши ва меъморий ечимларида Амир Темур ҳарбий юришларидан сўнг Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжон ва Кичик Осиё қурувчи усталари тажрибаларини уйғунлашганини кўриш мумкин.

Шоҳи-Зинда мажмуасининг тарихий аҳамияти шундаки, у бизга ўтмишимиз, аجدодларимиз маданияти, меъморчилик қандай даражаларда бўлганлиги ҳақида маълумот беради.

Шоҳи-Зинда мажмуасининг тарихий аҳамияти билан бирга диний аҳамияти ҳам жуда каттадир, ушбу мажмуа мамлакатимиздаги энг катта зиёратгоҳлардан биридир, ушбу зиёратгоҳни ҳар йили минглаб одамлар зиёрат қиладилар.

Шоҳи-Зинда мажмуасининг бунёд этилиши ҳақида тарихий манбаларда фикрлар билдирилиши билан диний фикрлар ҳам билдириб келинган. Абу Ҳафс Насафийнинг “Қандия ёхуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд” китобида Самарқанд шаҳридаги кўплаб зиёратгоҳлар билан бирга Шоҳи-Зинда тўғрисида ҳам қатор маълумотлар берилади.

Манбаларга қараганда, ушбу мажмуада мангу кўним топган буюк инсонлардан бири Қусам ибн Аббосдир. Бу инсоннинг тўлиқ исми Қусам ибн Аббос ибн Абдулмуталлиб ибн Ҳошим Ал-Қурайшийдир¹.

Ушбу мажмуанинг диний томондан аҳамияти шундан иборатки, Қусам ибн Аббос пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг амакилари Аббос (с.а.)нинг ўғиллари бўлган.

Қусам ибн Аббос тахминан милодий 624 йилда Макка шаҳрида туғилган. Ривоятларга кўра ҳазрат пайғамбаримиз ҳам бу инисига алоҳида

¹ Даракчи газетаси. 2011 йил, - 27 октябрь.

меҳр билан қараган эканлар. Улар бир-бирларига жуда ўхшаш бўлганлиги сабабли пайғамбаримиз “Қимки мени кўрмоқчи бўлса, Қусамга қарасин”, деб марҳамат қилган эканлар. Расулulloҳни энг сўнгги бора кўрган саҳоба ҳам айнан Қусам ибн Аббос бўлган¹.

Араблар Самарқанд шаҳрини босиб олгандан сўнг бу жойга ислом динига эътиқод қиладиган кўплаб кишиларни кўчириб келтирганлар. Араблар Самарқанд шаҳрида муайян қаршилиққа учраганлар, улар бу ерда ўз ҳукмронликларини кучайтириш мақсадида саркарда Қусам ибн Аббосни араб кўшинларига раҳбар этиб шаҳарда қолдирадилар. Қусам ибн Аббос бу жойларда ислом динини кучайтириш мақсадида кўплаб ишларни амалга оширдилар. Уларнинг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрининг Шайхзода дарвозаси ташқарисида Қусам ибн Аббос ташаббуси билан Намозгоҳ қурилди.

Абу Ҳафс Насафийнинг асарида Ҳазрати Шоҳ Самарқандда туриб қолдилар. Абдурахмон ибн Валидни Тошканд ва Андижон вилоятига жўнатдилар. Ҳазрати Шоҳи-Зинда Самарқанд халқига намоз, рўза, ҳаж ва закот одобидан таълим бердилар, деган маълумотлар берилади².

Қусам ибн Аббос кўплаб жангларда иштирок этган, ана шундай жанглардан бирида кўхна Афросиёб тепаликлари этагида ҳижрий 56 (милодий 677) Қусам ибн Аюббос шаҳид этилади. Кейинчалик худди шу ерда Оби Машҳад ариғи бўйича (араб тилида “Шаҳид қони тўкилган жой”) саҳобанинг мақбараси қад ростлайди.

Қусам ибн Аббоснинг ўлими билан боғлиқ бўлган кўплаб афсоналар мавжуд. Айтишларича, Қусам ибн Аббос Ийд айёми арафасида катта бир жомеъ масжидида намоз ўқиб турганида Зардуштийлар тарафдори бўлган Забур исмли киши исён кўтаради. Исён натижасида бир қанча мусулмонлар қириб ташланади. Фитна натижасида Қусам ибн Аббос жароҳат олган бўлсада, Аллоҳга нидо қилиб, “Ўзинг яккаю яғонасан, ўзинг кўмак брган”

¹ Даракчи газетаси. 2011 йил, - 27 октябрь.

² Абу Ҳафс Насафий. Қандия ёхуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд. – Т.: Минҳож, 2005. - Б. 23.

дейди. Аллоҳ у кишининг ниятини ижобат қилиб, жонини сақлаб қолади. Оташпарастлар ҳужумидан қоиб келаётган Қусам ибн Аббоснинг олдида бир ғор пайдо бўлади. Аллоҳнинг амри билан Қусам ибн Аббос йўқлик сари кириб кетгандан сўнг ғорнинг оғзи ўргимчак уяси билан беркилиб қолади. Зардуштийлар ғор оғзидаги ўргимчак уясини бутун ҳолда кўриб, бу ерга ҳеч ким кирмаган деб ўйлаб, қайтиб кетадилар Қусам ибн Аббоснинг ғор ичига кириб кетиб жой сақлагани халқ орасида турли ривоятларнинг тўқилишига сабаб бўлади. Яқин атрофда яшовчиларнинг айтишича, пайшанба кунлари ғор томондан Қуръон оятлари эшитиларкан¹.

Абу Ҳафс Насафийнинг асарида Қусам ибн Аббоснинг қандай ўлдирилганлиги тўғрисида маълумотлар берилади. Бу маълумотларга кўра ўша пайтларда Самарқанд подшоҳи Зобуршоҳ деган киши эди. У Ҳазрати Шоҳи Зинда дан кўрқиб қочиб Кўхистонда яшаётган эди ва ихтиёрида 50000 нафар жангчиси бор эди. Забуршоҳ қандай қилиб Самарқанд шаҳрини қўлга олиши ҳақида ўйлаб юрганида Шайтон кекса чол ҳолига келиб Забуршоҳ олдига келади ва ўзини мусулмонлардан жабр кўрган инсон сифатида кўрсатади.

Шайтон Забуршоҳга мусулмонларни енгиш ва Қусам ибн Аббосни ўлдириш йўллариини ўргата бошлайди. Шайтон бир неча кунлардан сўнг мусулмонларда Қурбон ҳайити бўлишини ва улар ҳайит намози билан машғул бўлишлари, намоз ўқиган пайтда улар қуролсиз бўлишларини, то намоз тугамагунча ўринларидан турмасликларини айтади.

Забуршоҳ ўз аскарларини оз-оздан шаҳарга киритиш ва уларни яшириб қўйиши, намоз бошланиши билан масжидга кириб мусулмонларни ўлдириш мумкинлиги тўғрисидаги маслаҳатни олади. Забуршоҳ ўз аскарларини бир неча бўлимларга бўлиб, уларни шаҳардаги пана-пана жойларга яшириб қўяди. Мусулмонлар намоз ўқишларини бошлари билан улар орасига юборилган жосус бу ҳақида Забуршоҳга хабар етказди, улар намоз ўқиш билан машғул бўлган мусулмонлар устига бостириб бориб, уларни ўлдира

¹ Даракчи газетаси. 2011 йил, - 27 октябрь.

бошлайдилар. Намоз ўқиб бўлишгунча жуда кўплаб мусулмонлар ўлдириб юборилади. Намоз ўқиб бўлингач, Қусам ибн Аббоснинг ишораси билан масжид деворлари орасида ёриқлар пайдо бўлиб омон қолган мусулмонлар қочишга ҳаракат қиладилар.

Қусам ибн Аббос масжид меҳроби ўринда пайдо бўлган очик жойдан чиқиб Самарқанд шаҳри ичига кирмоқчи бўладилар, лекин шаҳарга олиб кирадиган барча дарвозалар ғанимлар томонидан эгалланган эди. Қусам ибн Аббос шаҳарга кира олмагач ҳозирги Шоҳи-Зинда макбараси жойлашган тарафга қараб юрадилар. Ғанимлар бундан хабар топиб, бу ерга етиб келадилар ва Қусам ибн Аббосни ҳар тарафдан қуршаб оладилар. Қусам ибн Аббос машҳур жангчи бўлганлиги учун ғаним қўлидан тортиб олган қурол билан уларга қарши чиқади. Жангда ғанимнинг кўплаб аскарлари ўлдирилади. Забуршоҳ бу ерга етиб келганида, унинг кўплаб аскарлари ўлдирилган эди, шунда улар айёрлик ишлатиб, Қусам ибн Аббоснинг устига ўқ ёғдира бошладилар. Оғир аҳволда қолган Қусам ибн Аббос Аллоҳдан паноҳ сўрайди. Шунда бир яшил либос кийиб олган нуроний чол пайдо бўлади. Нуроний чолнинг маслаҳати билан Қусам ибн Аббос бармоқлари билан заминга ишора қиладилар, шунда ўша ерда чоҳ пайдо бўлади ва улар иккаласи чоҳ ичига тушиб ғойиб бўладилар. Душманлар то ўзларига келиб қудув бошига келганларида, қудуқнинг ичида ҳеч ким йўқ эди. Душманлар ўз подшоҳларининг буйруғи билан қудуқни ичига тош, гувала ва шу каби нарсаларни ташлай бошладилар, лекин чуқурни ҳеч ким тўлдира олмадилар.

Забуршоҳ катта совғалар ваъда қилгандан сўнг Караксар исмли аскар қудуқ ичига тушмоқчи бўлади. Қудуқ ичига тушган Караксарнинг доду фарёдидан сўнг уни қудуқдан тортиб оладилар. Караксар қудуқ тубида унга бир қора аждарҳо бор эканлигини ва бу аждарҳо унга ҳужум қилганлигини айтгандан сўнг ғанимларда қўрқув пайдо бўлади ва улар қудуқ яқинига келмай қўядилар¹.

¹ Абу Ҳафс Насафий. Қандия ёхуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд. –Т.: Минҳож, 2005. - Б. 24-32.

Шоҳи-Зинда мажмуаси тўғрисидаги ривоятлардан бирида ғайридинлар ул зот намоз ўқиб турган пайтда масжидга бостириб кирадилар ва Қусам ибн Аббосни ўлдирмоқчи бўлишганда, меҳроб очилади ва саҳоба ўша жойга кириб яширинади.

“Шоҳи Зинда ”, яъни “Тирик шоҳ” ибораси ҳам айнан ўшанда пайдо бўлган.

“Шоҳи – Зинда ” мажмуасининг яратилиши ҳақида яна бир қатор афсоналар мавжуд бўлиб, улардан бирида Қусам ибн Аббос айнан ўзлари қурдирган масжидда қатл этилган. Шунда ул зот кесилган бошларини олиб, масжид ҳовлисидаги Шаъбон қудуғига кириб кетганлар. Шунда Самарқанд амири қудукка одам тушуришни буюрган, қудукка туширилган одам, амирнинг қийноқларидан сўнг у ерда кўрганларини айтганда унинг кўзлари кўр бўлиб қолган ва туғилган фарзандлари ҳам кўр бўлиб туғилган экан¹.

Қудук то Амир Темур Курагон замонига қадар шу аҳволда турди. Самарқанд шаҳри Амир Темур қўлига ўтгач, у бу муқаддас жойни зиёрат қилишга келади, ўшанда қудук тепасида ҳеч қандай иморат йўқ эди.

Соҳибқирон Амир Темур замонида Қусам ибн Аббос кириб кетган қудук яқинида у кишига рамзий қабр ўрнатилади. Қабр устидаги тошга “Аллоҳнинг йўлида жон фидо қилган, шаҳид бўлганлар ўлмайди. Аллоҳ наздида улар тириклар”, - деб ёзиб қўйилган. Қабрнинг тепа қисмида эса “Аллоҳ ўз раҳматига олсин. Бу зот ҳижрийнинг эллик еттиси, милодий 676 йилда Самарқандди азимдаги “Бани Ножия” қабристонида охираат топдилар”, - деган ёзув бор².

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, қарийб уч минг йиллик тарихга эга Самарқанд ҳақида турли афсона ва ривоятлар тўқилган. Бу кўҳна шаҳар деворлари, кўчалари ва гузарлари ўтган узоқ даврлар, шаҳар ҳаётининг равнақи ва тараққиёти, душманлар ҳужумининг тилсиз гувоҳидир.

¹ Даракчи газетаси. 2011 йил, - 27 октябрь.

² Ўша жойда.

Бу шаҳарда кўплаб тарихий обидалар бўлиб, Шоҳи-Зинда мажмуаси мана шундай обидалардан бўлиб, у катта тарихий ва илмий аҳамиятга эгадир.

Шоҳи-Зинда мажмуасининг тарихий ва диний аҳамияти катта бўлганлиги учун ҳам у бир неча асрлардан бери авайлаб асраб келинмоқда. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистонда аجدодларимиз томонидан қолдириб келинган моддий ва маънавий меросни тиклашга, уларни ҳаётга қайтаришга катта диққат эътибор қаратиб келинмоқда.

Муқаддас қадамжойларни ва зиёратгоҳларни таъмирланиб, ободонлаштириб борилаётганлиги халқимиз томонидан хурчандчилик билан кутиб олинмоқда.

2.3. Шоҳи-Зинда мажмуасининг жаҳон ислом маданиятида тутган ўрни

Мустақиллик ўзбек халқи учун кўплаб қадриятларни, шу билки бирга диний қадриятларни ҳаётга қайтариш имкониятларини яратиб берди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ислом динига эътиқод қилувчи минглаб кишилар ота-боболаримиз томонидан қадрланиб келинган муқаддас жойларни зиёрат қилиш имконига эга бўлдилар.

Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган кўплаб муқаддас жойлар нафақат ўзбек халқи учун шу жумладан, кўплаб ислом мамлакатлари учун жуда ҳам қадрлидир.

Мамлакатимизда ислом динига берилаётган эътибор, муқаддас зиёратгоҳларни тикланиб, обод этилиши, виждон эркинлигини қонун билан мустаҳкамланиб, Конституция билан кафолатланиб беқрилиши кўплаб ислом мамлакатлари ва тараққий этган давлатлар томонидан кузатиб, ўрганиб келинмоқда.

2004 йил 3-10 октябрь кунлари АҚШнинг Вашингтон шаҳрида Р.Никсон маркази томонидан ташкил этилган “Давлат ва дин, конфессиялараро бағрикенглик: Ўзбекистон мисолида” мавзусида конференция бўлиб ўтди. Ушбу халқаро конференцияда иштирок этган

кўплаб исломшунос олимлар Ўзбекистонда ислом дини тараққиётига катта ҳисса қўшаётганлиги, муқаддас жойлар тобора ободонлашиб бораётганлиги, мамлакатимиздаги кўплаб муқаддас жойлар ислом маданиятида катта роль ўйнаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтди.

Кўплаб мамлакатлардан келган исломшунос олимлар ислом маданияти тараққиётида Ўрта Осиёнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг ўрни катта эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

2007 ил 31 май куни Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида “Уч дин форуми” халқаро ташкилоти томонидан “Диний қадриятларни тикланишида Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Ушбу семинарда ҳам динга муносабат масаласида Ўзбекистон тажрибаси ўрганиб чиқилди¹.

Жаҳон ислом маданияти тараққиётида катта ўрин тутган мажмуалардан бири Шоҳи-Зинда мажмуасидир. Шоҳи-Зинда мажмуаси ўзининг салобати, бу жойда жойлашган иншоотларнинг қурилиш архитектураси, биноларда ишлатилган безаклар асрлар мобайнида кишиларни лол қолдириб келмоқда. Ушуб муқаддас мажмуа асрлар мобайнида аждодларимиз томонидан асраб келинди. Шоҳи-Зинда Амир Темур ва темурийлар даврида таъмирланиб, янада ободонлаштирилди. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Шоҳи-Зинда мажмуасининг кириш қисмига улуғвор равоқ қурилди, бу равоқ мустақил меъморий иншоот ҳисобланиб, у чиройли нақшлар билан безатилган. Кириш равоқи ортида, ўша даврлар архитектурасининг барча ютуқларини ўз ичига олган саккиз бурчакли, уст қисми ўткир қуббали гумбаз билан ёпилган зиёратхона жойлашган. Зиёратхона янада ҳашаматли ва кўркем бўлиши учун унинг ички декорацияси, камтарона ҳашамли эканлиги билан ажралиб туради. Меъморлар зиёратхонани қуришда шарқ маданиятини ўз ичига олган усуллардан фойдаланганлар. Зиёратхона равоқи ва унинг пастки қисми

¹ Мустақиллик биз учун – ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорликнинг инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - Б.78.

табиий ранглар билан ранг берилган рангдор ғиштчалардан тузилган мозаика, монохром нақшлар билан безатилган.

Мажмуа нафақат ўзининг юксак даражада бадиий жиҳозланиши, балки барча талаблар даражасидаги меъморий лойиҳаси ва ундаги мутаносиблик уйғунлашуви билан ҳам ислом маданиятини ўзида акс эттирган, балки барчанинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда¹.

Зиёратхонанинг чап томонида жойлашган уч куббали гумбаз билан ёпилган томи унинг салобатини янада ошириб кўрсатади. Зиёратхонада жойлашган иншоотларнинг тўсиқлари рангдор нақшлар билан безатилган.

Шоҳи-Зинда мажмуасида жойлашган иншоотларни қуришда фақат Самарқандлик усталар эмас, балки бошқа кўплаб шаҳарлардан келган усталар ўз маҳоратларини кўрсата олганлар. Шоҳи-Зинда мажмуаси иншоотларини шарқ халқлари маданиятини ўзида акс эттирган ҳолда бунёд этилиши, минтақа халқлари маданияти юксак эканлигини асослаб бериш билан бирга, унинг жаҳон ислом маданиятида ўз ўрнига эга эканлигини ҳар томонлама асослаб беради.

Аждодларимиз томонидан яратилган кўҳна тарихий ёдгорликлар ва маданий бойликлар Ўрта Осиё маданиятида ва жаҳон ислом маданиятида доимо катта аҳамият ўйнаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бундай тарихий обидалар Ўрта Осиё халқлари маданияти юксак эканлигини халқаро ҳамжамият ҳам тан олаётганлиги ҳақида гапириб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтадилар: “Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди”².

Жаҳон ислом маданияти ривожига ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган тарихий обидалардан бири Шоҳи-Зинда мажмуасидир. Шоҳи-Зинда ҳам тарихий, ҳам диний қадамжо бўлиш билан бирга маданий обида ҳамдир.

¹ Шоҳи-Зинда. – Т.: Фан, 2007. – Б.4.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 30.

Ушбу мажмуа асрлар мобайнида одамларнинг ҳақ ва ҳақиқат, инсоф, адолат, ростгўйлик, меҳр-оқибт сингари фазилатларни тарғиб этадиган муқаддас жой бўлиб хизмат этиб келган.

Бугунги кунда Шоҳи-Зинда мажмуаси ўзининг тутган ўрни билан Самарқанд шаҳрида жойлашган зиёратгоҳлардан ажралиб туради. Бу ерга дастлаб келган одамнинг кўз ўнгида пастдан юқорига қараб қуриб борилган бинолар манзараси намоён бўлади. Бу ерда дастлабки қадамларини қўйиши биланоқ киши ўзини бошқа дунёга тушиб қолганидек сезади ва ўша дунёнинг ажралмас бир қисмига айланади¹.

Шоҳи-Зинда мажмуасидаги кўплаб иншоотлар Мирзо Улуғбек даврида қайта таъмирланган, ушбу даврларда емирилгани даврлар, тирговичли деворлар билан мустаҳкамланиб, деворларнинг усти гулдор кошинлар билан қопланди.

Зиёратгоҳдаги деворлар геометрик, грух усулидаги нақшлар билан безатилган бўлиб, безаклар оқ, фируза, тўй кўк рангли кошинлардан ташкил топган. Сержило нақшли пано хумдонда махсус пиширилган, қизғиш, сарик рангли терракота терилган. Бундай архитектура кўплаб шарқ мамлакатларига хос бўлиб, Шоҳи-Зинда даги бу бино ўз қурилиши, безаклари, безакларга берилган ранглар билан XV асрда Балх шаҳрида қурилган меъморий обидага ўхшаб кетади. Шоҳи-Зинда мажмуасидаги биноларни безатишда усталар тўк кўк, нафси кўк ранглардан кўп фойдаланганлар. Фойдаланилган нақшларда дарахтлар, юлдузлар, халқалар тасвирланган бўлиб, бу ҳашамлар XV асрнинг биринчи ярми учур алоҳида хусусиятлидир².

Мажмуадаги мақбаралар ўйма нақшлар, сирланган кошинлар билан безатилган, деворлар кўк ва зарҳал рангли бўёқлар билан ишлов берилган.

Ўрта Осиё меъморчилиқ санъати ўз тараққиёти даврида иморатлар кўринишини янада кўркем ва улуғвор зеб бериш ва нақшкорликда мураккаб ва такомиллашган усулларда яратишга ҳаракат қилган. Мажмуадага

¹ Шоҳи-Зинда. – Т.: Фан, 2007. – Б. 6.

² Ўша асар. – Б. 8-9.

биноларнинг эшиклари ҳам нақшлар билан безатилган, биноларга ҳашам бери шнинг энг тараққий этган, инсонларга завқ берадиган, маданиятни юксак эканлигидан далолат берадиган усуллари Шоҳи-Зинда мажмуасида ишлатилоган.

Мажмуадаги биноларни безатишда безаклар орасига қуръон оятлари мураккаб усулларда битилган, ўрта асрларда усталар ёзувлардан безак сифатида фойдаланганлар.

Шоҳи-Зинда мажмуасидаги айрим иморатларда ва мақбараларда мўғуллар истилосига қадар бўлган хусусиятлар сақланиб қолган. Амир Темур ва темурийлар даврида бунёд этилган иншоотларда Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Кичик Осиё қурувчи усталарининг тажрибаларини уйғунлашганини кўриш мумкин.

Шоҳи-Зинда мажмуасини ҳашаматини оширган хусусиятларидан унинг жойлашган жойни тарихий-топографик ҳолатидир.

Мажмуа иморатлари ҳашаматли, гумбазли-равоқ меъморчилигининг юз йиллик Ўрта Осиё меъморчилигидаги безак бериш санъатининг беш юз йиллик эволюциясини яққол кўрсатиб туради.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини кўлга киртиши шарофати билан Шоҳи-Зинда мажмуасини ободонлаштиришга катта эътибор қаратилди.

2004 йилнинг 16 июлида Вазирлар Маҳкамасининг “Шоҳи-Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши бу муқаддас жойни мавқеини ошириш билан бирга, дунёнинг турли мамлакатларидан келаётган сайёҳлар учун ва зиёратчилр учун янада қулайроқ имкониятлар яратиб берди.

Ўзбекистонда ислом дини қадриятлирига, муқаддас қадамжоларга, зиёратгоҳларга эътиборни кучайтирилиши, халқимизнинг азалдан ислом дини ва маданиятига катта ҳисса қўшиб келганлиги халқаро ҳамжамият томонидан доимо эътироф этиб келинмоқда. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрларни билдириб

ўтадилар: “Бу ҳақиқатни жаҳон жамоатчилиги, бутун мусулмон дунёси яхши билади ва тан олади. Нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг таълиф, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдиғидир”¹.

Асрлар мобайнида одамларни лол қолдириб келаётган, шарқ халқлари маданиятини ўзида акс эттирган, ҳалоллик, поклик, ахлоқлилик, инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиб келишда ўз ўрнига эга бўлган Шоҳи-Зинда мажмуаси жаҳон ислом маданияти ривожига ўз ўрнига эгадир.

Шоҳи-Зинда мажмуаси ўтмишда бўлгани сингари бугунги кунда ҳам катта маънавий-маданий ҳамиятга эга бўлиб, уни авайлаб-асраш келгуси авлодларга халқимиз тарихи ва маданияти тўғрисида тасаввурларини шакллантиришга хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 38.

Хулоса

Мустақиллик эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, кадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратиб берди.

Мустақиллик шарофати билан кўҳна тарихимиз, бой меросимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик каби олийжаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурамт туйғуси юрагимиздан чуқур ўрин олиб бормоқда.

Ўтган йигирма йил давомида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча кишилар қалбидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат ўтмишига, бой тарихий ва маданий меросига, маънавий қадриятлар, анъаналарга, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Собиқ совет тузуми даврида миллий қадриятларимиз, ислом дини, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга бўлган салбий муносабат ўз оқибатларини қолдирган эди.

Мустақиллик туфайли мустабид тузум даврида миллатимиз ва халқимизни камситувчи, бузиб кўрсатилган тарихий ҳақиқатлар тикланди, миллий қадриятлар асл ҳолига қайтди. Азиз авлиёларимизнинг қаровсизликдан нуриб, деярли йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган мақбаралари, масжид ва мадрасалар тубдан таъмирланди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш миллий маданиятимиз тарихини ўрганиш, ислом дини, унинг алломалари, муқаддас жойларни ўрганиш, улар ҳақида холисона фикр билдириш борасида катта имкониятлар яратди. Осори-атиқаларимизни асраш, диний қадриятларни тиклаш, муқаддас жойлар тарихини тўлақонли ёритиш имкониятлари яратилди.

Ислом дини таълимоти тараққиётига катта ҳисса қўшган аجدодларимиз таваллудларини нишонлаш мустақиллик туфайли изчил анъанага айланди.

Истиклол шарофати билан ҳамда Президентимизнинг ташаббуслари билан мусулмон оламида машҳур бўлган алломаларнинг кадриятлари тикланди, муқаддас қадамжолар таъмирланиб, зиёратгоҳларнинг эшиклари барча зиёратчилар учун очилди.

Мустақиллик йилларида ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг каторига 1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, 1995 йилда Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, 1998 йил Имом ал-Бухорийнинг ҳижрий тақвим бўйича 1225 йиллиги, 2000 йил Имом Абу Мансур ал-Мотурудийнинг 1130 йиллиги, Бурҳониддин Марғинонийнинг 910 йиллиги, 2004 йил Ҳожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги ва шу каби тадбирларни кўрсатиб ўтсак бўлади.

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок муқаддас жойларга, азиз авлиёлар кўмилган зиёратгоҳларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, қаровсизлик туфайли аянчли аҳволга тушиб қолган бундай жойлар қайтадан таъмирланди.

Жамият ҳаёти ва инсон камолотида ислом дини катта аҳамиятга эга бўлиб келганлиги, азиз авлиёлар томонидан қолдирилган маънавий ва моддий мерослар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлганлиги учун ҳам уларни ўрганишга, авайлаб асрашга катта эътибор қаратилмоқда.

2003 йил Ўзбекистон Республикасининг “Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, 2004 йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Шоҳи-Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори давлатимизни муқаддас жойларга бўлган эътиборини кучайганлигини кўрсатади.

Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бўлган Самарқандшаҳри ҳам кўплаб муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга бой бўлган жойдир.

Мустақиллик туфайли бу шаҳардаги Амир Темур мақбараси, Рухобод мақбараси, Оқсарой мақбараси, Хожа Дониёр мақбараси, Шоҳи-Зинда мажмуаси, Шайбонийлар даҳмаси, Абду Дарун мақбараси ва шу каби кўплаб кадамжолар таъмирланди.

Ўрта Осиёнинг маданиятида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган муқаддас жой Шоҳи-Зинда мажмуасидир.

Шоҳи-Зинда мажмуаси катта тарихий ва диний аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунг қадар ушбу зиёратгоҳ ҳақида турли фикрлар билдириб келинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Биз келажакгамизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008.
3. Тошкент ислом маданияти гавҳари. – Т.: Ўзбекистон, 2007. .
4. Зангиота тумани мустақиллик йилларида. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-том. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004.
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”. 4-том. 2001.
7. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 2001. - Б. 448.
8. Бухорий. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», Т.: 2001.
9. Бобоев Х., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимот тараққиёти. – Т.: Янги аср авлоди. 2001.
10. Хотамов А., Бекниёзов Н. Кармана – қадимий диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
11. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 1-китоб. Т.: Шарқ, 1999.
12. Ҳазрат Қосим Шайх ҳақида қўшимча маълумотларни А.Хотамов ва Ш.Халиловнинг “Йиллар садоси” (Т.: Адолат, 1995), С.Иноятов, Ҳ.Тўраев, М.Саидовнинг “Қосим Шайх Азизон” (Т.: А.Қодирий, 2000) номли китоблардан олиш мумкин.
13. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 1-китоб. Т.: Шарқ, 1999.
14. Абу Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи. 1993.
15. Садриддин Салим Бухорий. Самад Азимов. Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний. – Бухоро. 2004.

16. Абу Ҳафс Насафий. «Қандия. Ёхуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд». – Т.: Минҳож, 2005.
17. Тошлонов Т. Ислом кеча ва бугун. – Т.: Ўзбекистон, 1989.
18. Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
19. Мўминов А., Йўлдошев Х. Диншунослик. – Т.: “Меҳнат”, 2004.
20. Шоҳи-Зинда. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти. 2007.
21. Даракчи газетаси. 2011 йил 27 октябрь.